


Муҳаммад ЮСУФ

# Бевафо кўп экан...



# БЕВАФО КЎП ЭКАН...



ТОШКЕНТ  
«O‘ZBEKISTON»  
2016

57359

УЎК: 821.572.133-1

КБК 84(5Ў)6

Ю 91<sub>г</sub>

*Наширга тайёрловчи*

Назира САЛОМОВА

**Юсуф, Муҳаммад.**

Ю 91 Бевафо кўп экан... / Муҳаммад Юсуф;  
Наширга тайёрловчи Н. Саломова. Тошкент: «O'zbekiston» НМНУ, 2016. 136 бет.

Элмиланинг ардоқли ва суюкли шоири Муҳаммад Юсуфнинг ушбу тўнламидаги шеърлар ўзининг халқона руҳи, содда ва самимийлиги, оҳангларишнинг кўйма ҳамда раволиги билан ўқувчини ўзига ром қилади, тафаккур ва тасаввур, ҳасл ва ҳайрат оламига етаклайди.

Гарчи тўнламга жамланган шеърларда бу оламдаги азаллий ҳамда абадий мавзулар — инқ-муҳаббат, севги-садоқат, она юрт ва миллий гурур каби юксак инсоний туйғулар қазамга олинса да, уларнинг таъқиқидеги дилда энгиллак сўзлар жонибаси ҳар бир китобхонанинг кўниси тор-ларини чертиб юборишга қодир.

Шу сабабдан ушбу китобни сиз азиз китобхонга ҳам яширдик.

*Ушбу китобни наширга тайёрлашда берган бегараз ердавлари ичун Гурсуқиул Бўтақов ва Сарватол Бўтақовларга миннатдорчилик билдираемиз.*

**УЎК: 821.572.133-1**

**КБК 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-28-631-3

© «O'ZBEKISTON» НМНУ, 2016



Муҳаммад Юсуфни мен таниқли ёзувчи Назир Сафаров орқали таниган эдим. Муҳаммаджон Назир ака хонадошида турар, ёнгина ўсмир йигитчанинг пойтахтдаги илк қадамлари мана шу остопадан бошланган, бу уйдаги адабий муҳит бўлажак шоирга катта мактаб бўлган эди.

Бу ознингина, истараси иссиқ, қорачигина йигитча бир кўришдаёқ мени ўзига торган эди. Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчиманки, инсон умрининг охиригача илм ўрганади, ҳаёт дарсини ўрганади. Аммо шеър ёзиш илми шундай илмики, уни ўрганиб бўлмайди. У тугма бўлиши керак. Муҳаммаджон тугма истеъдод соҳиби эди. У бу истеъдодни ривожлантирди, ўзига талабчан бўлди.

У пайтларда унинг шеърятдаги таҳаллуси йўқ, Муҳаммаджон Юсуфов номи билан ижод қиларди. Мен «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири эдим. У вақтлар ёш шоирларнинг битта, таниқли шоирларнинг уч-тўрт шеърига жой ажратардик. Муҳаммаджоннинг шеърлари бу қобикни ёриб чиққан, унга бир саҳифа жой ажратгандик.

14  
64



31354



У жуда тез оғизга тушди. «Тошкент оқиноми», «Ўзбекистон овози» газеталаридаги фаолияти эса уни яна бошқа оламга олиб кирди. Унинг таъқидий йўналишдаги «лукма»лари, кичик-кичик қатралари, бир қатор мақолалари Мақсад Яхшиев номи билан газеталар саҳифаларида тез-тез кўзга ташланадиган бўлди. Сал кейинроқ, у Муҳаммад Юсуф номи билан элга ташилди.

Муҳаммад Юсуф омадди йигит эди. Ғайбуллоҳ ас Саломдай забардаст олим, улуғ бир инсон хонадонига қуёв бўлишида мен катта бир хислат кўраман. Улар руҳан бир-бирларига жуда яқин инсонлар эди. Парвона пурга ниғтилади. Муҳаммаджон Ғайбулла акага қуёв эмас, ўғил бўлди. Улар бир-бирларининг камини тўлдириб, бир-бирларидан куч олиб яшадилар.

Муҳаммаджон бугун орамизда йўқ. Аммо устозлари, яқинлари, фарзандлари хотирасида яхши инилари, хокисорлиги, меҳрлилиги билан муҳрланиб қолган бўлса, шахсан таниган-танимаган мухлислари тасавурида йиғлатадиган, ўйлатадиган, эзгуликка етаклайдиган шеър уқушлари билан яшаб қолади.

**ЭРКИН ВОҲИДОВ.**

*Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири*

## **БАҒИШЛОВ**

Бу шундай бевафо дунё, бу ҳаёт,  
Туида тувишганинг — тонгда етти ёт.  
Балки, тақдир шудир, балки шу қисмат,  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Борингизда бизга бўлдингиз Ота,  
Йўфингизда йўқдан кидирдик хато.  
Бсайб нарвардигор дейдилар, хатто,  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Хали туңрофингиз совимай туриб,  
Рухингиз йицелатдик қабрингиз суриб,  
Чигатой томонга кетдингиз юриб,  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Қабр учун дилдан жой тошганлар бошқа,  
Қул бўлиб шох кўлин ўнганлар бошқа,  
Ўлганинг устидан тепганлар бошқа,  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Сизни алқаганлар бир халк, бир денгиз,  
Сизни қарваганлар жўраларингиз,  
Сизни адо қилди тўраларингиз,  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Сизни золим десак, ранжир адолат,  
Фаришта десак ҳам, кўнгил хижолат,



Инсонсиз омадли, гоҳи бесомад,  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот.

Ким бўлмаг, Сиздан шу юрт бизга мерос,  
Йўқчилик, тўқчилик, не бўлса рўй-рост,  
Энди тупроқ Сизни айласин эъзоз,  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот...

Шоҳларга хамна хушомад зомин,  
Кўзин ёғин ялаб, сотарлар номин,  
Шеърим хам тугади, ўзбекча омин --  
Биздан рози бўлинг, руҳи нотинч зот!



## ХУРСАНОЙ ОПА

Катта даргохларнинг дарди ҳам катта,  
Буни англаганлар англар, албатта.  
Шоҳга суюмли ёр бўлиб ҳам, ҳатто  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа!..

Малика қанчалар қайрилмақошдир,  
Унга шунча куйган қўйинда тошдир,  
Шоҳга хушомадгўй унга қундошдир,  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Бормаса юрт кутар, қандай кўз юмур,  
Келмаса кўнгил еш, эт жимир-жимир,  
Муҳтожлик кўрмай ҳам яшаб бир умр,  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Подшоҳнинг кўксига экан бошингиз,  
Сизнинг кимингиз кўп қариндошингиз,  
Қим келди оққанда кўздан ёшингиз?..  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Қундуз кечган дўстни кўриб тутақиб,  
Кечалар эгасиз эҳромга боқиб,  
Сочлари оқарган Илҳомга боқиб,  
Хурсанд яшаш қийин, Хурсаной опа.

Кеча нодончалар қилишиб хузур,  
Хайкални тиклашиб, хайкалин бузиб,





Бугун бари келса, сўрашиб узр,  
Хурсанд яшаш кийин, Хурсаноӣ она.

Ана, фариштангиз турди ҳам гўрдан,  
Жойи тўрда эди - беришди тўрдан,  
Сизда ҳам бор экан манглайда шўрдан,  
Хурсанд яшаш кийин, Хурсаноӣ она.

У кун кабристонга бордим. Турдим тек,  
Шоҳ ётар, ёнида набира ҳам лек -  
Худди Амир Темур билан Улурбек...  
Хурсанд яшаш кийин, Хурсаноӣ она.

Бу дард етар Сизга ўла-ўлгунча,  
Бардошингиз тоғдек бўлмаса бунча?  
Ноланг ҳаққа етиб қайтиб келгунча,  
Хурсанд яшаш кийин, Хурсаноӣ она.

Шеърим ўқиб, дерсиз, сенга нима гам?  
Умримда бир сизни кўрмаганман ҳам.  
Кимда гам кўп бўлса - у менинг овам!..  
Хурсанд яшаш кийин, Хурсаноӣ она.

## КҮНГЛИМДАГИ ЁР

Мухаббат боғига кирмадим бир бор,  
Суйиб бир гулга кўл урмадим бир бор.  
Энди туллар йиллар менга кўшилиб,  
Кўнглимда бир ёру, қўйнимда бир ёр.

Бирин бирисига ўхшамас, ё раб,  
Кўзимнинг ёшлари тўхтамас, ё раб.  
Куярман бир унга, бир бунга қараб...  
Кўнглимда бир ёру, қўйнимда бир ёр.

Бирин эркалайман дудоғим билан,  
Бирисин эркалаб нигоҳим билан,  
Яшарман савобу гуноҳим билан,  
Кўнглимда бир ёру, қўйнимда бир ёр.

Бирин хур дейинми, бирип гулойим,  
Суймаганим суйганимдан мулойим.  
Бу қандай кўргилик экан, Худойим,  
Кўнглимда бир ёру, қўйнимда бир ёр.

Дарёман, иккита кирвоқда кўзим,  
Товошимда бўзим, томоқда бўзим,  
Икки ўт ичида қийноқда ўзим,  
Кўнглимда бир ёру, қўйнимда бир ёр!



## ДЎШИ

Дўши киймай қўйди одамлар,  
Бир шоир, бир носирдан бошқа.  
Соҳлар силлиқ,  
Силлиқ қадамлар,  
У оғирлик қиялти бошга...

Рост дўшилар,  
Ёлғон дўшилар,  
Киноларда қолган дўшилар.  
Чуст дўшилар,  
Анжон дўшилар,  
Мунчоқдек Марғилон дўшилар...

Дўши киймай қўйди одамлар,  
Бир шоир, бир носирдан ўзга.  
Мен ҳам сизга бердим саволлар,  
Шляпамни бостириб қўзга.

Дўши киймай қўйди одамлар,  
Кўнгил эса кўрмоқ тусайди.  
Маданият гуллаган дамлар,  
Қаллага эътибор сусайди.

Дўши киймай қўйди одамлар,  
На уйда ва на кўчада.  
Миртемирлар, Гафур Гуломлар  
Ётган дўшин қолди тоқчада...

Бу қандайин кўргулик, савдо,  
Дўшми киймай кўйди халойик.  
Бонга лойиқ дўшми йўқдир, ё  
Бош қолмади дўшмига лойиқ!





\* \* \*

Меҳрим қаттиқ бўлди,  
Қаҳрим қаттиқ бўлди,  
Насиҳатни эса олмадим.  
Харифим суюнди, дўстим қуюнди,  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Осойиш ўтмади бирор-бир куним,  
Таланиб-ғортишиб толмадим.  
«Овирроқ бўл, иним, сипороқ бўл, иним...»  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Тенгимни билмасдан бир қизни сўйдим,  
Сўйдим сира қулмай омадим.  
«Шоҳона яшардик сўзимга кирса...»  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Қувроқ бўл дейишди, ёлғон ҳам керак,  
Жиндек хушомад ҳам...

қулоқ солмадим.

Оқни ошноқ кўрдим, қорани қора,  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,  
Дўстларим... дўстларим, бахтли боламан:  
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,  
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида  
Ялғизга суюниб ўлиб қоламан!





## ЗЕБИЖОН

Ялангоёқ ёшлагимни эсласам жим,  
Кўзларимга сургим келар бурда нонни.  
Қориним нонга тўймаса ҳам, пошшо кўнглим,  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Касалак ҳам сийлар гулнинг суйганини,  
Шабнамларнинг кўрдим тонга ийганини,  
Ким биларди камбағалнинг куйганини,  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Суйганимни бир бойвачча тортиб олди,  
Тилло берди, тиллога от сотиб олдим,  
Тушпоримнинг тўёвига ётиб олдим,  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Отим билан гаплашардим одамдаини,  
Мен бир кашшоқ ўвилмап, у отамдаини,  
Йиғлар эдим ёлларини силаб майини,  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Кимга айтиб яна кимга йиғлай бориб,  
Умрим ўтди ёлғиз унга кўнглим ёриб,  
Отим мендан ғарибу — мен ундан ғариб,  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Ой юзли ёр ойдек ўвил туккап оқном,  
Мадаминбек тортиб олди отимни ҳам,



Дардимга дарл қўшилди, вох, ғамимга ғам  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Камбағалнинг қуни қурсин экан, кўрдик,  
Мискин эдик, яна пкков мискин бўлдик,  
Отим бекка, ўзим эркаа тутқун бўлдик,  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни...

Тунда бориб олиб қочдим, келиб орим,  
Елдек учиб кетаверди жониворим.  
Мадаминбек бия минсин, чу тулпорим,  
Зебижонни суяр эдим, Зебижонни!..





## РУҲ ТЎТИСИ

Бош бир кун тош ёстиққа етар,  
Рух тўтиси ташни тарк этар,  
Дейдилар, ёш тавламас ажал,  
Худо билар, ким олдин кетар...

Офтоб олиб толса кўк узра,  
Ушга осмон сандивин хужра,  
Хакдан ҳукм, бандадан ижро,  
Худо билар, ким олдин кетар?!

Шок дилингни кемирди хасад,  
Қадамшида тоднинг азият,  
Дўстим, менга қилма васият,  
Худо билар, ким олдин кетар.

Асо тутмин қанча қадди дол,  
Мен бир кучга тўлган наввиҳол,  
Отам мени кўмар, эҳтимол...  
Худо билар, ким олдин кетар.

Кўзим кўкда, сизда хаёлим,  
Жужуқларим менинг камолим!..  
Ғаниматмиз, жуфти ҳалолим,  
Худо билар, ким олдин кетар...





\* \* \*

Байрамдир ҳар кунинг, нобакор,  
Давлатинг бор -- сенга зулм йўқ.  
Бу дунёда сендай бахтиёр,  
Ва мендайин бағри тилим йўқ!

Менга азиз жаннатлардан ҳам,  
Киндик қоним тўкилган далам,  
Дойсувоқ том ва қари ошам...  
Бўлак борар бир манзилим йўқ...

Ер сеники, сеники само,  
Сенинг учун йўқ ҳеч муаммо.  
Нима қилсанг қиларсан, аммо  
Сенга жазо -- сенга ўлим йўқ!

Фариштамас ўзим ҳам, албат,  
Мен ҳам бир бандан Муҳаммад,  
Ғулоҳим кўп, биларман, фақат  
Ҳажга борай десам -- нузим йўқ!..

## КОКИЛИНГ

Момом ўриб ўтган соч,  
Ўсиб товоп ўнган соч.  
Ўсиб товоп ўнганда,  
Йишлаб йишлаб кетган соч...  
Кокилинг ким кесди, ёр?

Она, урфдан ким тонар,  
Бағри дилим ўртанар.  
Тошга айтсам, тўлғо нар,  
Сувга айтсам, сув ё нар,  
Кокилинг ким кесди, ёр?

Турмасмиди солланиб,  
Елкангда турнақатор.  
Кокилингни кесган ул  
Қўлларингда қасдим бор,  
Кокилинг ким кесди, ёр?..

Кокилинг ким кесди, ёр,  
Севгим йўлини тўсди, ёр.  
Менинг кўнглим чўктириб,  
Кимнинг кўнгли ўсди, ёр?!  
Кокилинг ким кесди, ёр!



## ЖАЙРОН

Қон йиғлатди қайси бағритош,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?  
Оёвнингга қўйиб ётай бош,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Юрак қонинг тўқилган сўқмоқ,  
Бағри алвон лолақизвалдоқ,  
Сенга тошлар отди қай гўмроҳ,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Зор йиғладинг бунча ҳам, ҳайҳот,  
Менда ҳам бор сендаги сайёд...  
Эй беозор, эй мўмин жонзот,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Бу дунёнинг нокаслари бор,  
Эзгуликни кўролмайдилар.  
Мени ҳам қон қилдилар улар,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

Лабим билан яранг силайман,  
Сенга дарди шифо тилайман,  
Кел, тувинган оғанг бўлай ман,  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?..

## ТУРКМАН ҚИЗ

Айланаман, Шарқни кезиб айланаман,  
Иболи бир ёр тополмай ўйланаман.  
Ўз юртимнинг сулувлари тил укмаса,  
Узун кўйлақ туркман қизга уйланаман...

Кўзим тушса, юзлари дов-дов ёнади,  
Елкасида қирқта чамаи товланади,  
Кесилмаган кокиллари тўлғонади,  
Узун кўйлақ туркман қизга уйланаман.

У элнинг урфларини қилмайди хор,  
Бешинги ҳеч ақласига бўлмайди зор,  
Қошида момоси қўйган ўсмаси бор,  
Узун кўйлақ туркман қизга уйланаман.

У ажралиб турар турфа тул ичида,  
Офтоб чиқиб, офтоб ботар қулгичида,  
Ўз тилида гапирмайди тил учида,  
Узун кўйлақ туркман қизга уйланаман...

Бир хил либос киймиш, кўрдим, печалари,  
Ойбалдоғи ёниб турар кечалари,  
Яшнаб кетар юрса, Тонкент қўчалари,  
Узун кўйлақ туркман қизга уйланаман.

Гўшапгага қирғатимда ёрга етиб,  
Менга ўлаи сўйлаб берар ёдлар этиб,  
Боболарим рухларини шодлар этиб,  
Узун кўйлақ туркман қизга уйланаман.



## ЎЗБЕК

Сен пахта терардинг етти букилиб,  
Пайкалингда эдинг, эй опажоним.  
Ўзбекмисиз, дея галати кулиб,  
Мендан сўраб қолди бир танноз хоним.

Таннозлар билан не ишим бор.  
Ё раб,  
Аммо тушундим бу ишорасига.  
Қаршимда турарди у эрмакталаб,  
Малика боққандек фуқаросига...

Мапа, газеталар чиқди қўйишдан,  
Хаммаси ўзича қилади талқин.  
Тиллолар топилган эмиш уйингдан,  
Олтинга қўмилиб қолибсан, халким!

Сен нега Кримга бормайсан ёзда,  
Ёки сен отангинг ўғай ўғласан?!  
Сўкса индамайсан, қўйми-тўқлисан,  
Урса йиғламайсан, демак ўғрисан!

Сахардан шомгача мўлтираб, кўзинг  
Кўрмай колгунича чондинг далагини.  
Ўвирлик қилмасанг, айт, ахир ўзинг,  
Қандай боқаясанг шунча болагини?..

Хошим нигоҳидан укқанларим бу,  
Кўнглимдан кечганин билиб турарди.  
Ясама юзида ясама қайғу,  
Ўзбекмисиз, дея кулиб турарди...

Бир бошлай дедим-у, тилимни тийдим,  
Майли, одам қуриб шунга сўз дейму,  
Ўзбекни ер танир,  
Осмон ташийди.  
Таннозлар қаёқдан билсин ўзбекни!





## ЯЛНИЗ

Ўзим жаннатда-ю, дўзахда кўнглим,  
Ялғизжон, сен ўстап ўтлоқда кўнглим.  
Сен жилва бўйида сарғайган синглим,  
Мен уммонда сенга муштоқ оғашман.

Кўзимдан ёни оқар юзингдан ўнсам,  
Қашийди бир умр пойнигда чўксам.  
Дилишга дилимни дардини тўксам -  
Водийсидан ажраб қолган воҳангман.

Мен шоир эмас, мен назмбоз қосиб,  
Шеърим шухратимга эмас мушосиб.  
Бир дутф туфайди минг вафлат босиб,  
Аривига сиемай қолган наҳангман.

Осмоини туси йўк бу тахтни нетгум,  
Райҳонини иси йўк бу бахтни нетгум,  
Бонг олиб ёнишга келади кетгум,  
Далавдан оламга бир садақангман!..

Эй оқ кўнглим менинг, эй кўк кўйлагим,  
Бўйинга бўйимни келар тепалагим.  
Куйласам фақат сен сабаб куйладим,  
Япробингдан ерга томган оҳангман.



\* \* \*

Сенда тил йўк,  
Сенда нигоҳ бор, холос.  
Сенда дил йўк,  
Сенда гуноҳ бор, холос.

Барча гуноҳингдан  
Кечардим, аммо  
Барин кўриб турган  
Оллоҳ бор, холос...







\* \* \*

Кечагина қишлоқдаги қизлар бари  
Меъга сирли қошлар қоқиб қарашарди.  
Қаранмаса, уйларига тунда келиб,  
Тошлар отиб қочар эдим ярашарди.

Сахаргача атрофида айланишиб,  
Дилхун уйга қайтар эдим, билинарди.  
«Кимни кутиб турибди бу йигитча», — деб  
Девор она мўраланиб кулинарди.

Бугун эса бўз йигитман, бўзлаганим  
Болалигим олисларда қолиб кетди.  
Бир қишлоқ қиз орасидан танлаганим,  
Бармоғига тилла узук солиб кетди...

Қизлар энди девор она мўраланиб,  
«Кимни кутиб турибсан», деб сўрашмайди,  
Кетолмайман бир ховлига ўраланиб  
Тошлар отиб қочай десам, яранмайди...



\* \* \*

Хўрсинасан билдирмай,  
Ўкинасан, йиғлайсан.  
Юлдуз тўла бу оқшом,  
Сен сўрида ухлайсан.

Юлдуз тўла бу оқшом,  
Онанг хурсанд ўйлайди:  
Қайсар кизим, энди чин  
Кўникканга ўхшайди...

Шовулланганг, боғлар, хей,  
Бунда бир қиз ухлайди,  
Ухлайди-ю ўзи жим,  
Кўнглига қил сивмайди.

Шох силкинар, кўксига  
Япроқ тўкар, билмайди.  
Бир вам ўртар бағрини,  
Йиғламайди, қулмайди.

Бу оғрик на дўстлик, на  
Муҳаббатга ўхшайди,  
Қиз қўйнида бир сурат  
Муҳаммадга ўхшайди...





\* \* \*

Ой юзидан нур ёвди сим-сим,  
Юр, мухаббат, кетдик бу ердан,  
Ширин туплар кўрсин севгилим,  
Юр, мухаббат, кетдик бу ердан...

Биз кетсак, Ер кенгайиб қолар,  
Осмои ҳам сал энгайиб қолар,  
Бир қоракўз жилмайиб қолар,  
Юр, мухаббат, кетдик бу ердан...

На қилдим, эй юзлари зебо,  
Айбим не деб сўрама асло,  
Бу дунё шундайин бевафо,  
Юр, мухаббат, кетдик бу ердан...

Сен дилимда яшнаган чечак,  
Биз биргамиз қайда яшасак.  
Не қилги бир қизга ёқмасак?..  
Юр, Мухаммад, кетдик бу ердан!

\* \* \*

Қадим Ўзбекмомо куйи ёдимда,  
Ёдимда чечаклар қулгап чамбили.  
Хар гал концертга кирган чоғимда  
Ялтироқ чононди «Ялла» ансамбли,  
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Қизлар қарсақ чалар - таъсир шунақа,  
Қизлар ҳуштак чалар - аср шунақа.  
«Ялла» залга сочиб сумалак исини,  
Куйлар «бойчечагим бойланди»сини,  
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Гоҳ чиқиб кетаман, сезмайди биров,  
Бу жойларда мени ким ҳам танийдн.  
Оғайпилар, мен ҳам дунёда бир кун  
Битта кўшиқ айтиб ўлсам майлийдн...  
Ботир Зокировни ўйлайвераман.

Зийрак қоровул чол тўсар йўлимни,  
Хўрсинар. Жим сиқиб қўяр кўлимни  
Ҳеч қандай ансамбль овута олмас,  
Бу кун райҳон хидли маънос кўнглимни,  
Ботир Зокировни ўйлайвераман...

Кетаман. Келаман уни сўроқлаб  
Кўлимда дехқон юртнинг жамбили.  
У энди куйламас бағримни доғлаб,  
Сен куйлайвер «Ялла» ансамбли, мен  
Ботир Зокировни ўйлайвераман!



## ОНАИЗОР

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,  
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам,  
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам,  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Сиямай қолсам шундай кенг бу жаҳона,  
Осмонларга рухим бўлса равона,  
Жонсиз танним устида ҳам парвона,  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Тинчар бўлса кўлимдаги тор, дунё,  
Уч кун ўтмай унутгай дўст-ёр, дунё.  
Еру кўкни титратиб зор-зор дунё,  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Гулдай кулиб юрмасмиди ўғлим, деб,  
Кўриб, кўнглим тўлмасмиди, ўғлим, деб,  
Онанг ўлса бўлмасмиди, ўғлим, деб,  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

Кўнглим қолса булбулдан ҳам, гулдан ҳам,  
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам,  
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам,  
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

## ИЛЁС

*Илёс исмли икки яшар жияшим  
сариқ касал туфайли вафот этди.  
Шифохонада керакли дори  
керак пайтида топилмаган эмиш...*

Малҳам кутиб менга жовдираб колган  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.  
Шифокор опанинг сўзлари ёлгон,  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!..

Улар ичинда ҳам бордир тулкилар,  
Улар шамолни ҳам тутиб пул қилар,  
Хатто, ўз боласин ўйламас улар,  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Устингдан овулар сепишди қанча,  
Мурғак юрагингга нишларин санча,  
Эндигина тили чикқан одамча...  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Нажоткор эмишлар! Кўрдим барисин,  
Имони йўқ булар ёнгу қарисин.  
Бошимга урайми энди дорисин?..  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг.

Сувларнинг юзида турмасдир хаслар,  
Сени ҳалок этди бир тўншокаслар.  
Тушимда қўлларинг бўйним найнаслар,  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!



Яхшиям дунёда қуёш бор, гул бор,  
Қайдадир мени ҳам тушунган дил бор,  
Одамлар бор ҳали мўмин, беозор.  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!

Йиғлаб-йиғлаб юмилдим қаровинг,  
Қафтимчи кўйдирар қолган мунчоғинг,  
Кўксингда кетдим ёлғиз сўровинг,  
Илёс, кўзларингдан айланай сенинг!..



## ТУРГУНЛИК

Хатто кеч қўзда ҳам тугади кўсак,  
Серхосил Ўзбекистон далалари.  
Далага чиқинлар кўтариб этак,  
Биринчи синф болалари...

Зўр келса, гўдак ҳам бирлашур,  
Кагталар билан тенг беллашур,  
Бўйи гўзадан наст, чиллашур  
Биринчи синф болалари.

Совуқ дейсизми?  
Ҳа, қаҳратон!  
Қўлчалар қўйишда қотган шон,  
Аммо шима қилсин, пахта – шон,  
Биринчи синф болалари.

Бари жимжималар - қоғозда,  
«Зангори кема»лар қоғозда,  
Пахта теринади аёзда,  
Биринчи синф болалари.

Пахта терар йиелаб бахти қулганлар,  
Омади қулганлар, аҳди қулганлар,  
Подшо боболарин Қаҳрамон қилганлар –  
Биринчи синф болалари...

Фасат бир илтимос, муаллимлари  
Гоҳо буршин артиб турса бўлгани.  
Иштонини кўтариб қўйишса бас, шу  
Пахта иланининг тўлгани!





## ЛАГАНБАРДОРЛАР

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,  
У ҳам фарзандидир битта инсоннинг.  
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,  
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни...

Отабек Қумушин кўзларин ёниб,  
Ўзи ҳам ортидан қилгач сафарлар,  
Қодирий бобоқинг қўлларин ўниб,  
Чоҳга итарган ҳам – лаганбардорлар.

Улар иблис билан тили бир ўрток,  
Улар Азронда содиқ чопарлар.  
Аввал Усмоҳларни сотиб, кейинроқ  
Фарёд кўтарган ҳам – лаганбардорлар.

Ёв надир? Зўр келса ўлдиради ёв,  
Булар кон сўргувчи искабтопарлар.  
Қаҳхорин қаидкасал,  
Ойбекни соқов  
Қилиб қўйганлар ҳам – лаганбардорлар.

Улар устозига қулдайин кимса,  
Меҳрибон хомийси шоғирдларининг  
Ўзи ўлдириб, сўнг мазоригача  
Қўтариб боринлар тобутларини...

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,  
У ҳам боласи-да битта инсоннинг.  
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,  
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни!

\* \* \*

Бирот мишгап Гўрўкли  
Бобом қани, айтинглар.  
Қўнғиротляк Алиюмиш  
Осам қани, айтинглар...

Тустовуқдай товланган  
Олам қани, айтинглар.  
Қўлда кийик овланган  
Далам қани, айтинглар.

Кокиллари ер ўнган  
Самаи қани, айтинглар,  
Қуйиб кетган жошимга,  
Малхам қани, айтинглар.

Дардим айтсам тушунган  
Одам қани, айтинглар...

Кўнглим гулдай эзилиб,  
Кўзимга ён тўляпти.  
Эх, қуёнга кўшилиб,  
Ботиб кетгим келяпти!



## ЎЗГАНЛИК ЎЗБЕКЛАР НИДОСИ

Сендан бир кўнвирок кифоя эди,  
Шу ҳам биз учун бир химоя эди,  
Кимсану матлабинг не гоё эди?..  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.

Ўзбексану ўзинг ўзбекка ётсан,  
Хонтахлитсан, аммо хонасаллотсан,  
Ўстирган ўз элни қирган жаллодсан,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.

Сенга сўйлов керак, сенга унвои керак,  
Сенга халқ керакмас — шухрат, шон керак,  
Сенга иссиқ ўрин, иссиқ жон керак,  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.

Йиртиқ чонон элниг юрса дур териб,  
Сен унинг тошгани лоқасга бериб,  
Ўлтиришингга бок қоматинг кериб!..  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.

Кул келар, тўкилар қайрилма қошинг,  
Ерларга етгудай эгилар бонинг,  
Аммо кимга керак сўнгги кўз ёшинг?..  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.

Бунча сино савлат, бунча тош бағир,  
Сени ҳам бир она туккан-ку, ахир.  
Опангдаи улугми мансаб қурмагур?..  
О, мансаб бандаси, мансаб бандаси.



Айбинг кечмас ул зот айтган аллалар,  
Сенга бор нсъматин тугган далалар,  
Ўзганда сойларда оққан болалар!..  
О, мансаб баъдаси, мансаб баъдаси.

Ахир, қийналар-ку бир кун виждонинг,  
Элга аён бўлар нархи арзонинг,  
Ўшанда қолгайму ному нишонинг?..  
О, мансаб баъдаси, мансаб баъдаси?



## ДАРЁ

*Баҳодирга*

Дарё қўйган эдим болам исмини,  
У дарёга чўкиб кетди бир куни...  
Аждар бўлиб сувлар ютди жисмини,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Билганимда қўймасдим ҳеч елкамдан,  
Товончаси энди ерга текканда,  
Сойнинг тоши болиш бўлди эркамга,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Қўлчаларин силкитиб у бемажол,  
Йиғлаб-йиғлаб оқиб кетди, эҳтимол,  
Қирғоққа зор боқиб кетди, эҳтимол,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Қонхўр дарё қаро қилди кундузим,  
Кўзим нури ўша эди, ёлғизим,  
Бу дунёда қолмади энди изим,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

От қўйганда печун кўнглим сезмади:  
Исми билан экан инсон қисмати!..  
Ўз болам-ку ўз бағримда ўсмади,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Ўғлим, десам ўрганади вужудим,  
Сувни кўрсам, сескапади вужудим!..  
Қум остида қолди менинг умидим,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Дарё қўйган эдим болам исмини...





## НАВОИЙ

Хитобларга кўмилиб хотам,  
Буюк шоир дейини-ку осон.  
Ҳеч кими йўқ Павоийнинг ҳам,  
У ҳам мендек ғариб бир инсон...

Минорадек мармар ҳайкали  
Кўрибса ҳам ҳатто Хиротга,  
Қавмин уйи турса чайкалиб,  
Тўйи татирмикап у зотга?..

Кечиргайми ҳазрат ўз қавмин,  
Бир-бирига бўлмаса напих...  
Подшоҳининг билмаса кадрий,  
Ғадосини сўйламаса гоҳ?..

Юрагини чаққандек ари,  
Пир енгидап кириб яширин,  
Азобмасми, набиралари  
Кўзин ўйиб юрса бир-бирини?..

Юм-юм йиғлаб ётмасми устоз,  
Қабрида ҳам юрак-бағри коп.  
Шоирлари сўйламаса рост,  
Олимлари таланиса унвои?..

Машгу назм гулшани сўнмас,  
Навоий-ку яшар то абад.



Окибатсиз элда эрк бўлмас,  
Мурувватсиз юрда саодат...

Буюк шоир дейиш-ку осон,  
Хитобларга кўшилиб, лекин  
Навойнинг тўйи,  
Биз қачон  
Арвоҳини шод этолган кун!







## ХАЛҚ БЎЛ, ЭЛИМ

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Кумлар босиб қуримасин дарёларим,  
Алпомишга алла айтган момоларим  
Рухини шод этай десанг, халқ бўл, элим!

Кўз ёшларинг айланса ҳам денгизларга,  
Қўрғоннингги бермай десанг Чингизларга,  
Уллубек ном қўйиб кетган юлдузларга  
Юзим босиб ўтай десанг, халқ бўл, элим!

Гўрўғиллар қонга ботса вироғларда,  
Кўр ўғиллар юртиг сотса хилватларда,  
Бобурнинг беҳабар ётса Ҳиротларда  
Бориб мен уйғотай десанг, халқ бўл, элим!

Қуйиб кетди китобларинг карвон-карвон,  
Синоларинг малхамига мушток зорман,  
Кўксингда ҳам беш асрлик куюк армон  
Павоийга етай десанг, халқ бўл, элим.

Осмон дилинг орзулари турнақатор,  
Ота мерос ернинг ўзи бир ифтихор.  
Остонангдан офтоб чиқиб, офтоб ботар  
Қуналарингга қайтай десанг, халқ бўл, элим!

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Кумлар босиб қуримасин дарёларим,  
Алпомишга алла айтган момоларим  
Рухини шод этай десанг, халқ бўл, элим!

## САМАРҚАНД

Самарқандга борсам мен агар,  
Улуғбекни кўриб қайтаман.  
У қон йиғлаб турар ҳар сафар:  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Бағримда бўй етган бўз болам,  
Мерган болам, лочинкўз болам,  
Бўзимга тиф урган ўз болам...  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Сезмай қолдим. Ўшанда чоғим,  
Юлдузларда экан нигоҳим.  
Билмадим, не эди гуноҳим...  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Қанча ғамга ботмаган эдим,  
Қанча оғу ютмаган эдим...  
Ўз боламдан қутмаган эдим...  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Таним музлаб, тоҳ тош қотаман,  
Мен шох эмас, ахир, отаман.  
Гўримда ҳам ўйлаб ётаман,  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Самарқандга борсам мен агар,  
Улуғбекни кўрмай келмайман.  
У менга қон йиғлар ҳар сафар,  
Мен дардимни кимга айтаман?..



## ҚИЁМАТ

Қиёматда қораяр қуёш,  
Осмон қора дудга тўлади.  
Мунофиклар мушукдай ювош,  
Фоҳишалар отин бўлади.

Қиёматда қурбақа булбул,  
Қамишзорлар айланар тоққа.  
Қўнғизчалар бўлади дуддул,  
Ўғрилар қоровул чорбоққа...

Қиёматда қуллар қорни тўқ,  
Хожалари бўлар понга зор.  
Шоир билан шоҳнинг иши йўқ,  
Зиндонбошлар қўшиқлар ёзар!

Қиёматда бўлмайди ҳийла,  
Ёмғир - шароб, газаги — илон.  
Ҳеч ким қусмас дўстлари ила  
Бир қадах май ичиб, бир жом қон.

Тўрт фаслнинг бўлмайди қипи,  
Қиёматда афсона бўлмас:  
Юсуф инин қудуққа пишиб,  
Акалари тартиб олади...

Қиёматда ҳамма чўк тушиб,  
Муҳаммадин эслаб қолади!

## ОҚИБАТ

Меҳр юракларда қотса ичкиб,  
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи.  
Элнинг кичигини тажир кичиги,  
Улуғини эса улуғи...

Полвони полвонин чалмоққа махтал,  
Дорбози дорбозин кўролмаёй яшар.  
Хофизлари қўшиқ айтишдан аввал,  
Бир-бирларин қарғаб овоз созлашар.

Зиёлиларига керакмас майдон,  
Тинчитар бир-бирин сал ғойибона.  
Олими олимин олимлик билан,  
Шоирин шоирин хам шоирона!..

Меҳр юракларда қотса ичкиб,  
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи.  
Элнинг кичигини тажир кичиги,  
Улуғини эса чайнар улуғи.

Андиша деган бир боғ бўлар вайрон,  
Гўё бу чамандан ялмоғиз ўтган.  
Опалар қизларин тапимаёй хайрон,  
Қизлар оналарин исмин унутган.

Бир умр елкада кўтариб ўзи,  
Ўзи боласининг раҳмига муштөк.  
Ўвиллар муштидан кўкариб юзи,  
Оталар йиғлагай сочлари опшөк...



Бўлди. Шеърим тамом. Ахир, сиз чидаб  
Юрибсиз-ку, нима қипти мен юрсам.  
Томоғимда жоним турибди йиғлаб,  
Жондан айриламан энди гапирсам!



## **БИР ҚИЗ ЙИҒЛАР**

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,  
Маъюс мажнунтоллар қошида,  
Қўнғил оҳи кўзин ёшида:  
Бевафо кўп экан дунёда...

Нигоҳида офтоблари бор,  
Полишларин жавоблари бор,  
Сўнган севги азоблари бор,  
Бевафо кўп экан дунёда...

Товонига тунган кокиллар  
Қизгинага кўшилиб йиғлар,  
Бир сўз дилга санчади тиглар  
Бевафо кўп экан дунёда...

Дилдан кўчиб кетса хаёллар,  
Ёмонга йўқ экан жазолар,  
Ёлғон дунё экан дунёлар,  
Бевафо кўп экан дунёда...

Эрмак экан энди Лайлолар,  
Мажнун вағиб кезган сахролар,  
Эртақ экан Тохир-Зухролар,  
Бевафо кўп экан дунёда.

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,  
Маъюс мажнунтоллар қошида.



Қўнгил зори кўзин ёшида:  
Бевафо кўп экан дунёда.

Қўй, йиғлама, менинг жон синглим,  
Мен ҳам сендек бағри қон, синглим,  
Менга ҳам йўқ меҳрибон, синглим,  
Бевафо кўп экан дунёда,  
Муҳаббат йўқ экан дунёда!



## МЕНИНГ СЕВГИМ

Севгим менинг, мен билмадим, менинг севгим,  
Кўзинг шаҳломиди сенинг, хумормиди,  
Эртақдаги Лайли сендай дилдормиди,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Гоҳ гул бўлиб яшнади дил, гоҳ сўлди дил,  
Гоҳ йиғлатиб, гоҳи ўзи қон бўлди дил,  
Томоғимда чирқираган жон бўлди дил,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сени фақат олислардан алмаладим,  
Эркаласам – хаёлимда эркаладим,  
Сочларингни тушларимда сийпаладим,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сен қуш бўлиб учдинг-кетдинг, туголмадим,  
Оҳу бўлиб қочдинг, қувиб етолмадим,  
Бир бор кўриб, бир ширин сўз айтолмадим,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Жаннат гулин лабларидан лаззат сўрдим,  
Омад гулин юзларида чиммат кўрдим,  
Шоир бўлдим, шоҳлардан кўп наззат кўрдим!..  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Соч оқарди юракдаги шу бир чўғ деб,  
Армондаги, тилакдаги шу бир чўғ деб,  
Йиғит умрим зорланади севги йўқ деб,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.





Апа, ажал остонамда турар бўйлаб,  
Фаришталар чорлар мени ўлан сўйлаб,  
Жашнатларда зерикармаг сени ўйлаб,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.



## СОДДА МУҲАММАДМАН

*Ўзбек қизларига*

Содда Муҳаммадман,  
Содда Муҳаммад,  
Туркман қизни мақтаб, балога қолдим,  
Кўйлагига хавас қилгандим фақат,  
Тоабад туганмас гаввога қолдим...

Ёруғ дунёда-ку бари қиз гўзал,  
Миллат танламас-ку хусн дегани.  
Ниғоҳим Жайхундан сакраб ўтса сал,  
Қайдан билай сизга малол келгани.

Юртим сулувлари, сизга йўқ тараф,  
Қошингизда ўсма юрса сирғалиб,  
Узуп сочингизни ўрсангиз тараб,  
Боқса деган эдим ой ҳам суқланиб!

Асли туркман қиз бир бахона, холос,  
Излаганим эди сизлар кибилар.  
Қўмсаганим — хаё, момоларга хос,  
Соғинганим эди Кумушбибилар...

Ёнсам, ҳажрингизда менинг ёнишим,  
Куйсам, сиз туфайли кўнглимдаги чўғ.  
Туркман қизлардан йўқ менинг танишим,  
Қалинга туям ҳам тушиб қолган йўқ!



## ҚИЗҒАЛДОҚ

Қизғалдоғим, қирдан бўлак қошонанг йўқ,  
Қоқил ёйсанг, ердан бўлак тошойнанг йўқ,  
Ўқсиб-ўқсиб турганинда, ўзим бориб,  
Нешонангдан ўнай десам, нешонанг йўқ...

Солданаган келинчақдай бошинг эгиб,  
Жайрон ўтган сўқмоқларга ёнинг тўкиб,  
Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб,  
Менингдек сеп ғарибнинг ҳам парвонанг йўқ...

Қадринг билган, дардинг билган, айт,  
киминг бор?..  
Келиб-кетар баҳор сенга бевафо ёр,  
Гўзалсанки, сенга бари гуллар аёёр,  
Ох урсанг, бир оҳинг тинглар остонанг йўқ...

Ёнингга мен боруямасам, ўт гуноҳим,  
Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим,  
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,  
Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ...

## ВИДО

Етти осмон ёришмас сиз уйғонмайин,  
Сизни кўрмай офтоб қандай чиқсин, онам.  
Кўзимда ёш, тошлар печун тўлғонмайин,  
Сизсиз менга фазилатсиз, файзсиз олам.

Дилда титроқ, қўлда йилёқ созми энди?..

Ой мўралар оқ туйнукдан оқном пайти,  
Толбеникни тебратиб сиз хорибгина,  
Алла айтиб ўлтирмайсиз ғарибгина,  
Эркалингиз сизар кунлар келмас қайтиб.

Болалигининг армонлари озми энди,  
Бизни ташлаб кетганингиз ростми энди?..

Сиз бор тугал дунё менга ёқар эди,  
Осмон тўла юлдуз қулиб боқар эди.  
Сиз кирган уй яшнар эди нурга тўлиб,  
Сиз юрган йўл чаман эди, баҳор эди.

Бовимизда қовжираган ёзми энди,  
Бизни ташлаб кетганингиз ростми энди?..



Онажоним, қачон етдим қадрингизга,  
Тоғлар ҳам дош беролмагай сабрингизга.  
Олисда ҳам юзим силаб юнатасиз,  
Кўнглим чўкиб қачон келсам қабрингизга.

Хар сўзингиз хотира эъвозми энди,  
Бизни ташлаб кетганингиз ростми энди?..

Етти осмон ёришмас сиз уйғонмайин,  
Сизни кўрмай офтоб қандай чиксин, онам.  
Кўзимда ёш, тонглар нечун тўлғонмайин,  
Сизсиз менга фазилатсиз, файзсиз олам.

Дилда титроқ, кўлда йиғлоқ созми энди,  
Бизни ташлаб кетганингиз ростми энди?!



## СОҚОВ

Соқовни қамашди,  
Соқов душманни.  
Сийсий саводсиз,  
Анқов душманни...

Қамашди бир қунда,  
Пайсалга солмай.  
Айби аниқ эди,  
Айби маълум эди:

У дохий отини  
Тўғри айтолмай,  
Ҳамманинг олдида  
«Ишталин» деди!..

Соқчига мўлтираб  
Соқов қалтирар:  
Ўлдиришар энди,  
Уни ўлдирар!

Қолди уйи,  
Қолди гурбатхонаси,  
Гурбатхонасида  
Қари онаси.

Яна бир зот кетди,  
Шундайин қилиб —



Соқовнинг бошига  
Егди ўз тили...

Ўрмонда огдилар,  
Қор эди қалин.  
Йиқилди хайкириб:  
Яшашин Ишталин!

Соқовни отинди,  
Анқовлиги учун,  
Тўғрироти -  
Туғма соқовлиги учун.

Қирк йил бўлди бунга,  
Эллик йил бўлди-ёв.  
Мана  
Энди  
Соқовнинг онаси  
Хақиқий соқов...

Соқов дудук эди  
Бундай олганда,  
Тилланса бўларди  
Ўлмай қолганда.



## АМИР ТЕМУР

*Қирқ биринчи йил, саратоннинг йи сақкилида  
Буюк Жаҳонгирни қабридан қўзғатишган.  
Хўш, оқибати не бўлди...*

Жаҳонгирнинг қабриш отган қазоблар,  
Бири олим, яна бири арбоблар.  
Хондек яшаб ўтдилару оламдан,  
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Ўшал кун сен қайда эдинг, болам, дер,  
Қуловнигга етмадиму полам, дер.  
Мени қўзғаб нима тонди олам, дер?  
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Тирик эрсам, тинмасди-ку яроғим,  
Ўлик жондин не истарлар, кароғим.  
Қўлим қайда дер, қайда бош чаноғим,  
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Бу қандайин кўргулик, ё раббаноҳ,  
Ёвуз ётдан ер остида йўқ паноҳ,  
Бобур қайда дер, қайда дер Мироншоҳ,  
Амир Темур руҳи мени азоблар.

Дунё тондим, дейди, дунё йиғмадим,  
Мен эл учуш от устида ухладим,  
Наҳот энди ўз гўримга сиймадим,  
Амир Темур руҳи мени азоблар.







Мен не килай,  
Мен бир ожиз бандаман,  
Рухлар билан бир жоғу бир тандаман,  
Уэр сўраб ҳар кун Самарқанддаман,  
Амир Темур рухи мени азоблар...



## ВАТАНИМ

Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим ҳоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним,  
Ёлғизим,  
Ягона дейми,  
Топинган қопонам дейми,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним.

Шодон куним гул отган сен,  
Чечак отган изимга,  
Полон куним юнатган сен,  
Юзинг босиб юзимга.  
Синглим дейми,  
Онам дейми,  
Хамдарду хамхонам дейми,  
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри  
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Маширабсан,  
Халқда тумор,  
Балхда дорга осилган,  
Навойсан, шох ёнида,  
Фақирни дуо қилган.



Яссавийсан, меники деб,  
Кўринган даъво қилган,  
Мишг бир ёғи очилмаган  
Қўригимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,  
Чингизларга  
Дарвозасини очмаган,  
Темур Малик орқасидан  
Сирдарёга сакраган,  
Муканнасан, корачиги  
Оловларга саҳраган,  
Широкларни кўрган чўнон-  
Чўлигимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни килди макон,  
Ким Энасой томонида,  
Жалолиддин - Қурдистонда,  
Бобуринг - Ҳиндистонда,  
Бу қандай юз қаролиғ, деб  
Ётарлар зимистонда,  
Тарқаб кетган тўқсон олти  
Урувимсан, Ватаним...

Ўвлим, десанг осмонларга  
Фирот бўлиб учгайман,  
Чамбил юрда Алпомишга  
Навқар бўлиб тушгайман.  
Шадаркушдан нана килиб,  
Улугбегинг кучгайман.

Гичир-гичир, тишимдаги  
Сўлигимсан, Ватаним.

Ўтган кунинг — ўтган кундир,  
Ўз бошингга етган кун.  
Қодирийни берган замин  
Қодирийни сотган кун.  
Кўлини боғлаб,  
Дилини доғлаб,  
Етаклашиб кетган кун.  
Воҳ болам! - деб айтолмаган  
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнида қон йиғлаган бир  
Шоирингга қараб қўй.  
Гар Қўқонга йўлинг тушса,  
Детдомларни сўраб қўй.  
Хеч бўлмаса Усмон ҳоқин  
Келтирмоққа яраб қўй.  
Олисларда қуриб қолган  
Қудуғимсан, Ватаним.

Сен — шохлари осмонларга  
Тегиб турган чишорим,  
Ота десам,  
Ўғлим деб,  
Бош эгиб турган чишорим.  
Қўйнимдаги ифтихорим,  
Бўйнимдаги туморим,  
Ўзинг менинг улуғлардан-  
Улуғимсан, Ватаним!



## ФАЙЗУЛЛО БОБО

Қадим Бухорога лайлақлар келди,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?  
Ривоятлар келди, эртақлар келди,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Биз-ку эртақни ҳам сургаймиз кўзга,  
Муштоқмиз хабарга, муштоқмиз сўзга,  
Ҳаммадан ҳам кўпроқ муштоқмиз сизга,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Бобоюрт боғлари сиздан хотира,  
Чақнар чироклари сиздан хотира,  
Кўз ёш булоқлари сиздан хотира,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Қўймадик жойига эъзозингизни,  
Айтмай кетдингиз-ку дил розингизни,  
Тинглаб юрармизу овозингизни,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Йиллар Самарқандга сирдош Бухоро,  
Мишорида ухлар қуёш Бухоро,  
Иби Синолари талош Бухоро,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Тупроқнинг инсонга тортқлари кўп,  
Тортиғидан инсонга оғриқлари кўп.

Гуллаган воҳанинг нотиклари кўп,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Юракка санчилиб ағёр отган ўк,  
Ётарсиз ерга ҳам озорингиз йўк,  
Йўқлаб борай десак, мазорингиз йўк,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..





## ЮРТИМ

Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,  
Тошларни йиқлатган дostonларинг бор.  
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,  
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Бағрим ўртар бир ўй баҳор айёмлар,  
Ой борган ёқларга термулиб шомлар.  
Айбин билмай кетган Акмал Икромлар,  
Файзуллодек марди-майдонларинг бор.

Юртим, кўнглиндек кенг осмонларинг бор,  
Юлдузин йиқлатган дostonларинг бор.  
Осмонларингдан ҳам дийдорингга зор,  
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Кўзинг қадонга босай юзимни,  
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,  
Қайинбарглар ёниб каро кўзини,  
Олисларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,  
Ана, юришибди кийтавлари зар.  
Қодирийни сотиб шовр бўлгацлар  
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор...

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,  
Сенинг фарёдларинг менинг фиғоним,  
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,  
Тошларни йиқлатган дostonларинг бор.

## УСМОИ НОСИР

Саболар қайтгуси бахмал боғларга,  
Наволар қайтгуси махтал боғларга.  
Қодирийнинг қабри кизғалдоқларга  
Тўлғай қушлар хали келмоғи бордир.

Ўшал кизғалдоқлар армоним менинг,  
Осмонга етмаган парвоним менинг,  
Жим қолур тинглаб гул забоним менинг,  
Тўлғай қушлар хали келмоғи бордир.

Юлдузлар — Султон Улдувбек имони,  
Тополмасдан сарсон Бобур Мирзони.  
Чўлдамас бош узра Муқаддас жони  
Бўлғай қушлар хали келмоғи бордир.

Қора диллар ўтмин тош варағида,  
Тушмади қўллари ҳеч яровидан.  
Боши ҳам бир қуш виждон сўроғида  
Тўлғай қушлар хали келмоғи бордир.

Шеъринг кўйи, юр Қўқон кетайлик, Усмои,  
Сен дўстим деганлар ҳаммаси душман...  
Усмоининг қисмати бу Ўзбекистон  
Билғай қушлар хали келмоғи бордир.





\* \* \*

Тушимга киради Қодирий бобом,  
Бемадор, бемажол, беҳол, беором.  
Эғнига эски бир тўн кийиб олган,  
Шипелдир балки у, кимдандир қолган.

Шипелнинг енгида ноҳол ҳам бордай,  
Бобомнинг юзлари оқарган қордай.  
Осмондек, осмонда Чўлпондек унинг,  
Чараклаб турувчи кўзи тўла мунг...

Тушимга киради Қодирий бобом:  
Тур энди, бунча кўп ухладнинг, болам,  
Бок, бу чоғ айлашиб жўхоризоринг,  
Ўроғин қайрайди онаизоринг.

Ўриб бўлгунича ризқу зарингни,  
Ўйшатиб тур, чиқиб укаларингни,  
Ва менинг саломим етказ аларга...  
Бобосин соғинган мусичаларга...

## **БИР КУНИ**

Бир кунни,  
Бир алвоп  
Замон келади,  
Замин узра  
Омон-омон бўлади.

Ўн йилми,  
Юз йилми ўғиб орадан,  
Урушлар,  
Низолар кетиб орадан,  
Тўплар  
Адирларда буёдой ўради,  
Танклар  
Далаларда пахта теради.

Миллатлар,  
Элатлар,  
Оқ тан, кора тан  
Хаммаси  
Хазрати инсон бўлади...  
Олам гулистон бўлади...  
Бир куни...  
– Шоирлар-чи, бобо,  
Шоирлар нима бўлади?  
– Шоирларнинг шодликдан  
Юраклари ёрилиб ўлади!



## МЕХР ҚОЛУР

Ўтар қанча йиллар тўзони,  
Юлдузлар кўз ёши самони.  
Ўтар инсон яхши-ёмони,  
Меҳр қолур, мухаббат қолур.

Қорачуғда қорлаган ўша,  
Иқболига қорлаган ўша,  
Дунёни тор айлаган ўша  
Меҳр қолур, мухаббат қолур.

Апор, сенинг юзларинг сулув,  
Хумор, сенинг кўзларинг сулув,  
Ёдда қолмас сўзларинг сулув,  
Меҳр қолур, мухаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тохир,  
Зухро йиғлаб қолди қон бағир.  
Келганда ҳам қиёмат охир,  
Меҳр қолур, мухаббат қолур.

Нима дейсан, эй, гаюр инсон?  
Ғийбатларинг қилди мени қон.  
Сен ҳам бир кун ўтурсан, инон,  
Меҳр қолур, мухаббат қолур.

## ОНАМДАН ХАТ

Ўзим, жигаргўшам, айтгин-чи, паҳот  
Ачинмайди жонинг онанг ҳолига?  
Мени тўшақларга миҳлаб қўйди бод,  
Келсанг, бир кўрсаму... ўлсам, майлига.

Чакка ўтган эски томга ўхшайман,  
Кўзимдан ёмғирлар тўкилар тинмай.  
Бу ёрув дунёда борми, билмайман,  
Ўз ўғли йўлига интизор мендай...

Хайҳотдек ҳовлида қолдим бир ўзим,  
Нима ҳаёлларга бормасман баъзан.  
Соғинсан ишқилиб, кўркаман, кўзим,  
Подшоҳлар ҳақида шеърлар ёзсан.

Ўйнашиб бўларми шохлар билан, айт,  
Қишлоқи жонингга шеърдан не ҳузур?  
Зериксанг бепоён яйловнингга қайт,  
Сиқилсанг -- даштларда от чоптириб юр!

Фақат ҳаёлингдан чиқаргин шеърни,  
Кимгадир ёқмасини чинми ёлгонми,  
Ахир, сен ёзмасанг ўша Бобурни,  
Шоирнинг уруғи қуриб қолганми?..

Ўблим, жигаргўшам, айтгин-чи, паҳот,  
Ачинмайди жонинг онанг ҳолига?



Мени тўшакларга миҳлаб қўйди бод,  
Келиб бир кўтариб чиққин ҳовлига.

Қўлингда жон бериб ўлсам, майлига...



## НАСИҲАТ

Дўстларим, бекорчи хаёлдан кўрқинг,  
Эрмакка айтилган саволдан кўрқинг,  
Миннатли қўл тутган похолдан кўрқинг.  
Бегона юзида малолдан кўрқинг,  
Доим савоб изланг, уволдан кўрқинг,  
Қанқирлардан кўрқманг, шоголдан кўрқинг...  
Эрин ёмонлаган аёлдан кўрқинг!





## ТУШЛАРИМГА КИР

Каналакдай келиб,  
Қошинга кўниб,  
Кўзинга термулиб умрим ўтсайди...  
Пима ҳам кўрибман мен йигит бўлиб?  
Сочингни силашга қўлим етмайди.

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,  
Тушимга кир энди, тушларимга кир.

Товонинг ўнади ариқдаги сув,  
Кўйлагинг этагин ўнади майса.  
Мен-чи, бир гиҳча бўлмамдим-ку,  
Эй, кўзлари жайрон, киириги найза!

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,  
Тушимга кир, жоним, тушларимга кир.

Кўчиб бораётир бу умр карвон,  
Кулларнинг бўйида юрак кўнгирок.  
Мен сенга армону сен менга армон,  
Кўнглимнинг тўрида тутар шамчинок.

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,  
Тушимга кир, жоним, тушларимга кир.

Каналакдай келиб, қошинга кўниб,  
Кўзинга термулиб умрим ўтсайди.

Қолдингу барримда жонимдек бўлиб,  
Сочингни силашга қўлим етмайди.

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,  
Тушимга кир эйди, тушларимга кир...







\* \* \*

Қарамайди қайрилиб бир бор,  
Мен турибман остопада зор.  
Ойни узиб берсанг ҳам менга,  
Чикмайман дер, ноз қилар дилдор.

Ўтинчларим беҳуда, зорим,  
Илинжларим - ҳаммаси бекор.  
Рашким келар, келади орим,  
Чикмайман дер, ноз қилар дилдор.

Тошойнага термилиб, лекин  
Ўзи ўсма тортиб қошига,  
Дугонаси ёнида, тагин  
Тушиб кетар булоқ бошига.

Жимман, бироқ узолмам кўзим,  
Кимларгадир қиламан ҳавас.  
Келинмаган йигитман ўзим,  
Сочларим ҳам жингалак эмас...

## МАҲАЛЛИЙЧИЛИК

Тошни сув кемирад. Сувни қаро ер,  
Ерни кемиради юздан оққан тер,  
Чўлда жайронларни қийратади шер,  
Ўзбекни қийратар маҳаллийчилик...

Майсаларни куёш қовжиратади,  
Куёшни булутлар доводиратади,  
Булутларни шамоллар қийратади,  
Ўзбекни қийратар маҳаллийчилик...

Тоғларни тўғонлар йиқиб қуритар,  
Боғларни ҳазонлар сиқиб қуритар,  
Ҳазонларни кузак йиғиб қуритар,  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Билиб қўйинглар, мен Бухородаман,  
Илм маъзин чаккан фуқародаман,  
Олтинман, қумушман, дуру маъданман...  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Қўйгил Қўқонингни, қўйгил Сурхонинг,  
Бир тупроқ-ку, ахир, ота маконинг...  
Азиз Ватандошлар, менга ишонинг,  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Қим у шеърим ўқиб мийиғда қулган.  
Маймундек тиржайиб масҳара қилган?..



Бу ёруғ дунёда билганим-билган,  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик.

Аму катта дарё, Сир катта дарё,  
Эркин дарё эди, ҳур катта дарё,  
Мишг ирмоққа кўчган бир катта Дарё --  
Ўзбекни қуритар маҳаллийчилик!



## ИЛТИЖО

Кушлар ойга, ойлар йилга айланар,  
Айлашади чархи бешафқат,  
Гули хас, вунчаси гулга айланар,  
Жон ота, сен  
Қарима фақат!..

Ким қонибди неъматига бу ҳаёт,  
Ўтган куши қандай эгиб бўлар рад?  
Аммо бўлса, бу дунёнинг гапига  
Қон ота, сен  
Қарима фақат!..

Ёнинг фалон дерлар кимда гашим йўқ.  
Ғанимсиз ҳам хато ёзув, хато хат.  
Хайқир ота: бунчага кирганим йўқ,  
Тон ота, сен  
Қарима фақат!..

Ким қонмаса неъматига бу ҳаёт,  
Ўтган кунни этса бўлар рад.  
Юрганча юр, турганча тургин  
Осмон, ота, сен  
Қарима фақат!..



## ИҚРОР

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдим йингит бошимга.  
Хамма шоир зотин йиғса – арзимас  
Онамни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар қилар булбулларга дўк:  
«Эй қуш, бу боғларнинг мен булбулиман!..»  
Шоирлар билан ҳеч ошнолигим йўқ,  
Мен ёруғ дунёда кўнглим кулиман.

Аmmo юрагимни қийнар бир азоб,  
Қўй десам қўймайди, тутқизар қалам.  
Мен кетмон сўрасам -- тутади рубоб,  
Қўйлайман жонимдан ўтганда алам.

Осмоғга карасам, кўринар тунроқ,  
Майсага термулиб, ойни кўраман.  
Бу қандай кўргилик, билмайман ўртоқ,  
Мен қачон далада буёдой ўраман?!

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдим эркак бошимга.  
Хамма шоир зотин йиғса арзимас  
Уйимни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар салқин хиёбонларда  
Энтикиб ёзишар келажакка хат.



Оқибат ҳақида хайкиришар ва  
Абдулла Орифни қилишар ғийбат...

Бўлди.  
Шеър ёзмайман.  
Мен энди одам.  
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.  
Кўнглимга ачиниб агар ёзсам ҳам,  
Туида ёзиб, тоигда ўтга ташлайман!





## ҚИЗИЛ ОЛМА

*С.за*

Баланд шохда қизил олма  
Пинган экан.  
Узиб олиб қарасам, қурт  
Тушган экан.

Мен олmani иргитворсам,  
У дод солди:  
Ташлаб кетар экан мени  
Нега олди?!

Қизил олма, қизил олма,  
Мен сивилдим,  
Дунёи-дун деганларни  
Энди билдим...

Юрагим-ей, сени не ўй  
Ўртамоқда.  
Севгига йўл бўлсин бизга  
Бу чорбоғда.

Баланд шохда қизил олма  
Пинган экан...  
Бизнинг бошга шундай савдо  
Тушган экан.

## МУҲАББАТИМ

Муҳаббатим, қайдасан, қалб ардоғим,  
Жайронқўзим, қирларда қолган оҳум.  
Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,  
Энди сени излаб қайдан топарман?..

Келар бўлсанг йўлингга гул тўшардим,  
Сен Лайлига, мен Мажнунга ўхшардим,  
Бу дунёда хижрон йўқ деб яшардим,  
Энди сени излаб қайдан топарман?..

Тушларимда йилларсан тоҳ бағри қон,  
Оҳларингдан дуд чиқиб осмон осмон,  
Менга сену сенга мен бўлдик армон,  
Энди сени излаб қайдан топарман?..

Муҳаббатим, қайдасан, қалб ардоғим,  
Жайронқўзим, қирларда қолган оҳум,  
Қўлим тегмай тўкилган қизғалдоғим,  
Энди сени излаб қайдан топарман?..





## БЕЛБОҒ

Наҳлавон йигитча, полвон йигитча,  
Димоғи осмонни олғон йигитча.  
Ўзбек экапингиз ёлғон, йигитча,  
Белбоғингиз қани белингиздаги?

Уэр, оғир олманг аччиқ сўзимни,  
Қоқ юрагингизга санчик сўзимни.  
Нега яшнатмайди боқсам кўзимни,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?

Асли-қу, сиз тиним билмас дехқонсиз,  
Тер тўкиб, ҳеч миннат қилмас дехқонсиз.  
Дунёни гуллатиб қўйган хоқонсиз,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?

Товонингиз ўйса арзир бу тупроқ,  
Қанча ўйса, шунча қарзир бу тупроқ.  
Аммо ғурур керак инсонга кўпроқ,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?

Улкан нахтажордир юртнинг тўрт ёғи,  
Ёрни оққа ўраб бўлдингиз чоғи.  
Ўша нахтангиздан тикилган шоғи,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?..

Дехқони, чўпони, боғбони бари,  
Туркийнинг тўқсон олти қабилалари,  
Эй Мирзо Бобурнинг набиралари,  
Белбоғингиз қани, белингиздаги?!

## ТЎН ҲАҚИДА ШЕЪР

*Водиллик полвон Турсунали Мамажонов  
ҳамиша оқ яқтак билан тўн кийиб юради.  
Бир кўн унга муаллим: «Илтимос, дарсларга тўн  
кийиб келманг, ҳар ҳолда, сиз Маданият  
институтида ўқийсиз», – деган экан...*

Ўзбекнинг тўнининг енглари узун,  
Ўзбекнинг жўнининг енглари узун.  
Еиси узун кўйлак кийманглар, кизлар,  
Маданият институтида ўқисангизлар.

Тили узун бўлсин инсон деганининг,  
Эътиқод деганининг, имон деганининг.  
Қошга ўсма кўйманг, кўйманглар, кизлар,  
Маданият институтида ўқисангизлар.

Ияқдан кўзгача суринглар уна,  
Қулоқ тагига ҳам уринглар уна.  
Евроначасига бўялсин юзлар,  
Маданият институтида ўқисангизлар.

Сизга ҳам гапим бор аҳли эркаклар,  
Дўппи киймай юринг, кийманг телпаклар.  
Кийиқ бўлар сизга пляшасизлар,  
Маданият институтида ўқисангизлар.

Турсунали полвон, Лочин полвонлар,  
Сизни кутар буида минг имтихонлар,



Муаллим гагини қонуи денг сизлар,  
Маданият институтида ўқисангизлар.

Фақат бир ўй ўртар бағримни менинг,  
Асли маданият нима дегани?  
Биларсиз, у Шарқдан чиққан эканин,  
Маданият институтида ўқисангизлар.

Бу шеърим шунчаки ёзилгани йўқ,  
Ёзилса ҳам ҳали босилгани йўқ.  
Тўнимизга кимлар осилгани йўқ ---  
Маданият институтида ўқисак бизлар!



## ОТА

*Юсуф отага*

Армоним бор, бу дунёда армоним бор,  
Қок далада ўтлар босган ўрмоним бор.  
Қизғалдоқдай бошим эгик бу маконда,  
Ёшин яшаб ўтмаган отажоним бор.

Ота десам, бағри-дилим ёнаверар,  
Қуним ёнар, ою йилим ёнаверар,  
Мозорига қўйган гулим ёнаверар,  
Тутунларга тўлиб кетган осмоним бор.

Ёсаверсин жаннатлардан келган насим,  
Момо ерим, ўзингсан энг муқаддасим,  
Бағрингда жим тинглаб бу кун жон нафасим,  
Рухимни аллалаб ётган жаҳоним бор.

Одам бўлиб бир одамни тушунмаслар,  
Қўзингда ёш кўриб ҳам гоҳ ўқинмаслар,  
Босган изим пойлаб юрган эй нокаслар,  
Қабрдан қўл чўзиб турган қалқоним бор...

Мен отамдан қолган эркин садо-сасман,  
Қонимга ёт паволарга қайрилмасман,  
Ўлгунимча энди ундан айрилмасман,  
Ўз отамдек бўлиб қолган имоним бор.



Армоним бор, бу дунёда армоним бор,  
Кенг далада гуллар босган ўрмоним бор.  
Қизгалдоқлар бош эгиб қон йиғлаб турган  
Бу маконда менинг ҳам нуржаҳоним бор.



## **ЁҚУБ МЕРГАН**

Ёқуб чолга «Запорожец» беришмади,  
Аризалар ёзиб борса кўришмади.  
Кўргач эса, кўрмагандек елка қисиб,  
Кўнишмади...

Ёқуб чолнинг кўксин тўла орден эди,  
Қайга борса ўрни тайин - тўрдан эди.  
Нима дейсиз - икки уруш кўрган эди,  
Берлинда суратга тушган мерган эди.

Биттасина оёғи ҳам толдан эди,  
Биттасини дўхтир кесиб олган эди.  
Урушдан сўнг шундай бўлиб қолган эди,  
Гуре-гуре қилиб юришлари ёлғон эди!

Бошлиқ чолга «Запорожец» бермади,  
Аризалар ёзиб борса кўрмади,  
Кўргач эса, кўрмагандек елка қисиб,  
Кўнмади...

Ёқуб чолнинг райсабездан кўнгли қолди,  
Ёқуб чолнинг бошлиқ бездан кўнгли қолди,  
Мендан, сиздан — ҳаммамиздан кўнгли қолди,  
Машинасини бошқа ояғир қимса олди.

Энди ул зот ялло қилиб юраверар,  
Инвалиднинг машинасин сураверар,  
Уни кўрсам, чол эсимга келаверар,  
Филдираги юрагимни эзаверар...  
Ёқуб чолга беришмаган «Запорож»нинг!



## АРМОН

Фарзанд доғи қўйдиради қўйган сари,  
Дийдалари кўз ўнғидан кетмас нари.  
Онаизорин тилаб олган болалари  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!..

Алвон-алвон гуллар ёғар адирларга,  
Қўл етмайди сизлар ётган қабрларга,  
Олис юрtdа йўлдош бўлиб Бобурларга,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!..

Жалолиддин қонн жўшди қонингизда,  
Умид қилиб узилмаган жонингиздан.  
Навоийдек зотлар ётар ёнингизда,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!..

Йиғит бўлиб, яйрабгина юрмай кетган,  
Бир киз бармовини кўзга сурмай кетган.  
Тувилган боласин бўйин кўрмай кетган,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Хазон босиб кун кўрмаган ғуссаларим,  
Пахтазордан чиққан озғин жуссаларим,  
Уволгина кетган Мўмин Мирзоларим,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!..

Кимга керак бўлди, кимга керак бўлди;  
Сиз ўлдингиз, кимнинг бўйи терак бўлди?..

Бу дунёда ўлим ҳам бир эрмак бўлди,  
Афғон қирларида қолган баходирлар!..

Қон дилимдан шаънингизга шеър тиладим,  
Дунё мендан, мен дунёдан ўнкаладим,  
Туғингандан азиз менинг укаларим  
Афғон қирларида қолган баходирлар!..







## ЎТИНЧ

Эркаклар ташвиқот қилди тишмасдан,  
Хар хил мақолалар йиғаверишди.  
Газета ўқишга қўли теғмасдан,  
Хотинлар йилига туғаверишди.

Журналистларга-ку мавзу топилди:  
Ҳамма туғаверса ким қилар ишни?!  
Пилла тошпиришди.  
Гўза чошилди.  
Аёллар йилига туғаверишди.

Олимлар ўйланди.  
Ўйларга толиб,  
Китоблар титишди чўк тушиб олиб.  
Қўймоқчи бўлишди режага солиб...  
Аёллар йилига туғаверишди.

Кимдир ваҳма қилди қай куни ёшиб:  
Бола босиб кетди бутун дунёни!..  
Барибир минг азоб ичра тўлғониб,  
Аёллар йилига туғаверишди.

Авёр тўлди қўйини тошга, дейишди,  
Тили бошқа, қўнгли бошқа, дейишди.  
Ўнта бўлса ўрни бошқа дейишди,  
Аёллар йилига туғаверишди.

Чирқираб Шокирлар дунёга келди,  
Барнолар, Ботирлар дунёга келди.  
Шу мўмин юрт учун керак бўлганда  
Ўлмоққа қодирлар дунёга келди.

Келишди кимгадир ёкса-ёқмаса,  
Хали тили чиқмай пахта теришди.  
Кучук боқипсинми, бола боқмаса?!  
Аёллар йилга туғаверишди.

... Балки, сен осмондан тушгандирсан ҳам,  
Майли, билма қадрин, етма додига.  
Фақат бир илтимос, эй азиз одам,  
Қўйиш, қанча турса ўзи билар, сен  
Туғишни ўргатма Аёл зотига!





## МАКТУЪ

Севгилим,  
Севгилим,  
Оғрийди дилим,  
Жоним оғрийверар сизни ўйласам.  
Гулдай юзингизни силар энди ким,  
Мени эслармисиз-йўқми ўшал дам?..

Булутлар кўк кезар қунда пиёда,  
Уфққа офтоб ботар кизил гулхандай.  
Армоним экансиз ёруғ дунёда,  
Сизни ўйламасдан яшарман қандай?

Кўнглим айвонида куз ҳуштак чалар,  
Кўзимдан ёш бўлиб ёвади янрок.  
Дўстларим – такаббур шоирваччалар,  
Ўзларин севишар ёридан кўнрок.

Қулларнинг қафтида севи ханжари,  
Бағримда бегуноҳ бир гул сўлади.  
Тойчоққа айланиб гоҳ кечалари  
Тунроқда аганаб ётгим келади!..

Севгилим,  
Севгилим,  
Оғрийди дилим.  
Жоним ёмон оғрир сизни ўйласам.  
Сумбул сочингизни силар энди ким,

Мени элайсизми-йўқми ўшал дам.  
Билмайман.  
Билишни истамайман ҳам.  
Билганим – менга бахт пасиб этмади.  
Йиллар ўтаверди, кўзим ўнгидан  
Сизнинг ойдек рухсорингиз кетмади...

Дунё омон бўлсин,  
Сиз бўлинг омон.  
Омадли бўлинг сиз,  
Бахтли бўлинг сиз.

Лекин  
Билиб қўйинг,  
Билиб қўйинг, ҳамон  
Сизни унутолмас Мухаммадингиз!





## ЭРКА КИЙИК

Эрка кийик, майлими бир эркаласам,  
Мажнун бўлиб саҳроларга еталасам,  
Бу дунёда бирдай ғариб мен хам, сен хам,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Сенинг кўзинг қора, менинг кўзим қора,  
Сенинг бағринг яра, менинг бағрим яра,  
Бу дунёда сен бечора, мен бечора!..  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Шамол эмас, изинг қувиб юрди камон,  
Сайёд менинг қулбамни хам қилди вайрон,  
Сенинг жонинг, менинг жоним омонат жон,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Кел, йивлаймиз биргаланиб янголларга,  
Саҳроларда қуримаган булоқларга,  
Иккаламиз яралибмиз қийноқларга,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Умримизнинг барча йўли, сўқмоғи чўғ,  
Чўғдан кўркма, беюз кўйган қопқондан кўрк,  
Бу дунёда сенга дўст йўқ, менга дўст йўқ,  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

Соч оқарди, дилдон кутиб кўзим толди,  
Юрагимдан тўкилмай не сўзим қолди,  
Йўл сўнгида, ҳеч бўлмаса ўлимолди  
Эрка кийик, майлими бир эркаласам?..

## МАДИНА

Мадина, Мадина, нега йиғлайсан,  
Менинг асал қизим, қачон ухлайсан?  
Иситманг тушмади, тополмадим дори,  
Тишмади чакалок жонишгиниң зори,  
Ярашмас яшамок нокаста ёлвориб,  
Чида, ёруғ тоғини кутамиз, қизим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Сен йиғлоқ тувилдинг, мен ёзоладим,  
Ёзган шеъримни ҳам ўтказолмадим,  
Аммо ишқи, ахир, булбул юрагим,  
Мен уни бекорга ўтга солмадим,  
Бу ёруғ дунёда менинг қолар изим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Иккала кўлимда сенинг бешигинг,  
Кўнглимда кўзингдек шаффоф кўшигинг.  
Тунларимга наво қайтар куним бор,  
Сенга ардоқ сўзим айтар куним бор,  
Қалбимни шудгордек хайдар куним бор.  
Йиғлаб ёздирмасанг, айламай ўзим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...

Шоир шундай кўпки, уларга ер тор,  
Ҳаммаси машҳур ва ҳаммаси номдор,  
Улуғвор, уларга етмок кўп душвор,  
Аммо улар ойга босиб юзипи



Турганда осмонин бағрига илк бор  
Биз олиб боргаймиз тупроқ исини,  
Гулдай димоғига тутамиз, қизим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим!..

Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим,  
Йиғлаб ёздирмасанг, айланай ўзим!





## ВАТАН

Эй менга эртақлар сўйлаган Замин,  
Эрганиб изингдан қолмасман сенинг.  
Ўзгалар наздида Бови Эраминг  
Жийданг янроғига олмасман сенинг.  
Ватан, қайда бўлмай, сен хамроҳимсан,  
Боболарим ётар саждағохимсан.

Офтоб келин тушган бовларинг кўркам,  
Ялпизлар яташган дала-дангларинг.  
Осмонга туташган октерак ўлкам,  
Кўнглимда ўзгача сайру гаитларинг.  
Ватан, қадрим уйи – хонақоҳимсан,  
Боболарим ётар саждағохимсан.

Олтин бешик узра аёллар айтиб,  
Хамиша бедорим онавзорим.  
Жилғаси жаранги тонгда уйқотиб,  
Юрагимга кириб келган баҳорим.  
Ватан, қунда боқиб тўймайман, кимсан  
Ой оғриниб ботар саждағохимсан.

Суйиб сийм-ташимга солган сен чўғни,  
Пойинг ўпсам арзир чўкка тушиб тиз.  
Сен-ку мангудирсан, мен борми-йўкми,  
Мен қайдан қупимни кўрардим сенсиз.  
Ватан, жонга жондан яқинровимсан,  
Қаввим илдиз отар саждағохимсан.





Алкаб мени кузат, илҳақ мени кут,  
Эй бир парча булут, эй бир парча йўл.  
Омон бўл, сен борки дунёлар унут,  
Сешинг хузурингга элтар барча йўл.  
Ватан, мен келсам ҳам келган ёғимсан,  
Кетсам ҳам аскотар қароргоҳимсан!..



## ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Мендан нима қолар:  
Икки мисра шеър,  
Икки сандиқ китоб,  
Бир уюм туپроқ.  
Одамлар орғиндан  
Нима деса дер,  
Мен сени ўйлайман  
Ўзиндан кўпроқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ!

Мен кетсам, ёмондан  
Йироқ бўл, оху,  
Чунки сен чиройли,  
Кўркли бир жувон.  
Ёмон қуллар бир қул  
Яхши бўлар-у,  
Ёмон одам яхши  
Бўлмас ҳеч қачон...  
Яша чегарада  
Тургандек огоҳ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизғалдоқ.

Уйда ётибман-у,  
Сезиб турибман,  
Кўкда кетаётир  
Қушлар қайтишиб.



Хайрлар ёғдириб  
Қанотларидан,  
Хаста шоирига  
Видо айтишиб.  
Бор, менинг учун ҳам  
Уларга қўл коқ,  
Дола, долажоним,  
Долақизғалдоқ.

Уларни мен яна  
Кўрарманми-а,  
Дивондан одамдек  
Кузаголмадим.  
Куз. Тўйлар бонланди.  
Юрагим пора  
Битта қизимни ҳам  
Узаголмадим...  
Демак, тақдир экан  
Тўй кўрмай ўлмоқ,  
Дола, долажоним,  
Долақизғалдоқ.

Бироқ кўшгим сезар,  
Мендан кейин ҳам,  
Бир кун ховлига  
Одам тўлади.  
Хали тўйлар қилиб  
Чарчайсан, эркам,  
Менинг қизларим  
Энг бахтли бўлади!

Келинлар кўйлаги  
Рухимдай ошпок,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Гулим, якироқ кел,  
Қара, не савдо,  
Бу ажиб ишларни  
Дил лавҳига ёз:  
Кимга қаср етмас,  
Кимга мол-дунё,  
Менга эса ҲАВО  
Етмайди, холос.  
Тириклар мудроқда,  
Ўликлар уйғоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Кўксим куйиб борар,  
Кўкрак ёнмоқда,  
Айтинг дўхтирларга,  
Ёришса ёрсин!  
Жисм ўз улфати -  
Жондан тонмоқда.  
Бечора жон энди  
Қаерга борсин?  
Энди осмон йироқ,  
Энди ер юмшоқ,  
Лола, лолажоним,  
Лолақизгалдоқ.



Буни хаёт дерлар,  
Унутма асло,  
Бир кун очиласан,  
Бир кун сўласан.  
Қалбимда-ку факат  
Сен эдинг тапхо,  
Қабрим устида ҳам  
Ўзинг бўласан.  
Сен бизнинг севидан  
Хогира - байроқ,  
Лола, долажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Аёл қалбинг билан  
Сув кеч, олов кеч,  
Ғам келса бошингдан  
Хушинг учмасин.  
Худодан сўрадим:  
Мендан кейин ҳеч,  
Номард кимсаларга  
Ишинг тушмасин.  
Уларнинг қўлида  
Ҳамиша тузоқ,  
Лола, долажоним,  
Лолақизгалдоқ.

Ишинг тушса, иним  
Мухаммадга бор,  
Шоирлар ичида

Ишонганим ну,  
Бироз ичшини  
Айтмаса агар,  
Кўкси тиниқ бола,  
Ҳалола бола у.  
Фақат сал соддарок,  
Фақат сал ёнроқ,  
Дола, долажоним,  
Долакизгалдоқ.

Жон сўнгги бошана  
Тошаркан онда,  
У юрак остида,  
Дердим мен бўлсам.  
Ажабланма агар  
Эртага тонда  
Сени ўшиб, Ўши  
Қучоқлаб ўлсам!..  
Ўтинчим - тепамада  
Йиғлама узоқ,  
Дола, долажоним,  
Долакизгалдоқ!



## ТАЛАБАЛАР МАДҲИЯСИ

Али ўғлонлар ўлкаси бу кўҳна Турон  
Қалқонлари, қанотлари, илм истанг.  
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,  
Алишернинг авлодлари, илм истанг!

Тахтдан тушганда ҳам отдан тушмай юрган,  
Аждодингиз уй қурмаган Давлат қурган.  
Юрти учун елкасида тоғлар сурган,  
Рустамлари, Фарходлари, илм истанг.

Қўз очгандан кезиб етти баҳри уммон,  
Етти тилда сўйлашган биз тили бийрон.  
Ватанида Тоғмаҳаллар тиклар султон  
Бобурлари, Бехзодлари, илм истанг.

Ҳақ йўлида сиз илмнинг умматлари,  
Халқ йўлида хидояти, ҳимматлари.  
Мадад бўлсин Яссавийнинг ҳикматлари,  
Бобо Машраб баётлари, илм истанг.

Илм истанг, изингиздан ибрат ёвсин,  
Ихлосингиз, шахдингиздан шиддат ёвсин.  
Ортингиздан мағрур-мағрур миллат ёвсин  
Мулки Турон нажотлари, илм истанг!..

Али ўғлонлар ўлкасидир Ўзбекистон,  
Эркли элиниг қанотлари, илм истанг.  
Ярим жаҳон бунёд этган Соҳибқирон,  
Алишернинг авлодлари, илм истанг.

## ОНА ТИЛИМ

Гарчи зугум қилганларни ёқирмадим,  
Шеър ёздим-у, бўлак ишчи қотирмадим.  
Тилим туриб ўз тилимда гаширмадим,  
Бир эласам эзилади бағри-дилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Онам «эркам» деб қучганда тунлар ярим,  
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим.  
Паровозни хапсиратган буюдойларим,  
Олтинларим, маъданларим, итакларим...  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,  
Ўзбекни қон қақшатганини ўзбек сийлар.  
Холимизни қон қузатди Яссавийлар,  
Тонганимиз ҳандалакдек тилим тилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир қатта,  
Қатта миллат - Афандиси йўқдир хатто.  
Биз шибда, биз боққанлар юрди отда,  
Зулм ўтса, фақат сендан ўтди зулм,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.


Сен бўлмасанг нима бизга сиёлик шеърлар,  
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар.  
Бахонг-ку бериб кетган Алишерлар,





Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Бир карасам, ҳар шевагда минг жилолар,  
Ҳар новдангда, ҳар мевангда минг жилолар.  
Қодирийлар, Чўлшошлару Абдуллолар,  
Сенинг қайтган кўнинг – мен туғилган йилим,  
Она тилим, кечир мени, она тилим.





## ЎЛАН

Тўйларни ҳаммадан ҳам  
Бўй қизлар хуш кўрармин.  
Битга қиз эрга тегса,  
Қирқгаси туш кўрармин.

Тўйхонада куй тишиб,  
Тинганида оловлар,  
Қирқ сулувни йиелатиб  
Кетар экан қуёвлар...

Сингилларим, йиеламанг,  
Йиеласангиз, хафаман.  
Юртни кезиб, сизларга  
Ўзим қуёв тошаман.

Оқ тилаклар бор бўлса,  
Омон бўлса умидлар,  
Изингизга зор бўлар  
Мухаммаддек йигитлар!..



## ТИЛАК

Хар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,  
Ажиш тушсин юзларига, доғ тушсин.  
Хар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,  
Қўлларига асо -- бир таёқ тушсин.

Имони соф, юзга кириб ёруғ юз,  
Тўйлар кўриб, елкасидан тоғ тушсин.  
Ва жисмига сўнгги сафар олдидан  
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин...



## **ЧИМИЛДИК**

Гарчи ишак деворинг,  
Хеч ким сени қурган йўк.  
Аммо икки дунёда  
Сендан баланд кўрвон йўк.

Қўи юраклар ёдуси,  
Ўзинг бешак, чимилдик.  
Бўй қизларинг орузи  
Шохи тўшак, чимилдик.

Қуёв кутган орзиқиб,  
Хаёт сендан бошланар.  
Келаётган алаю  
Баёт сендан бошланар.

Тилагим шу -- бойлансин  
Жон риштаси жошингга.  
Йўламасин ҳеч бир қиз,  
Рози бўлмай ёнингга.



## ҚИШЛОҚДА

Хайрон менинг собиқ синфдошларим,  
Сенга не етишмас, дейди, кулишар.  
Ўзларича тушунгандай бўлишар,  
Уйларига таклиф килишар.

Уйларига таклиф килишар,  
Меҳмони бўламан бир-бир барини.  
Чекамиз. Мақтанга тушишар кейин  
Кўрмай олган хотинларини...



## БИР КЕЧА

Бир кеча бехосдан уйғошиб кетсам,  
Йиғлаб ўтирибди юрагим юм-юм.  
Чўчиб турдим: сенга нима бўлди, эркам,  
Нимага йиғлайсан,  
Мен нима қилдим?

Ундай десам бўлмас,  
Бундай десам кўнмас,  
Чекдим. Чикиб сени ховлини кездим.  
Хамма юлдуз сўнди. Бир юлдуз сўнмас  
Кўзимга мўлтираб турар илк севгим.

Юлдуздан ҳам олис о, сен буюк кам,  
Бугун ўзинг йўқсан фақат ёнимда.  
Хижрон куйин чалиб қон ўрнинда ҳам  
Армон айланади жони тапимда.

Ўйлайман, ўйлайман, ўйларим узун,  
Кўлим киска, севгим, бўйларим узун,  
Энди сен менинг учун энг узун эртак,  
Энди мени ёмон қийнар бу юрак!

Чекаман. Тутунга тўлади хона,  
Илк севгим мўралар тўрт бурчагидан.  
Мен далли, юрагим мендан девона,  
Ётмайман, деб йиғлар нар тўшагингда.



\* \* \*

Тузалмайди дардим менинг,  
Ўлсам керак.  
Тушроқ билан оға-иши  
Бўлсам керак.

Ўлим нима? Бу ҳам битта  
Сайр, Она.  
Ўвлинг қаро ерга кетди,  
Хайр, Она...

Тузалмас бу дардим менинг,  
Умидим йўқ.  
Хира шамдек кўзларимда  
Сўнмоқда чўғ.

Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб,  
Қул бўлади.  
Инсон бир кун ўз майлига  
Қул бўлади...

Юрагимни тамом қилдим,  
Йивлайвериб.  
Хузуримда ажал турар,  
Қошин кериб.

Мен ҳаётда ўлимга тик  
Боқиб ўедим...  
Қани менга аталган жой,  
Кетдик, дўстим!

## ЭРТАК

Эртагим чўзилди, менинг эртагим,  
Эртага энди бу дунёдап ўтсам,  
Хаёт, азизим, сен хафа қилмагин,  
Менинг ширингина қизларимни ҳам.

Кўнглимдан тўкилган куйлар нимадир,  
Алвон қўшиқларим учар изимдан.  
Ёзган китобларим – қоғоз кемадир,  
Мен кетсам, улар ҳам кўчар изимдан.

Кулга кўмдим олтин фурсатларимни,  
Энди бир кун факат дадил ва ўтсам  
Шоирчалар қилса вийбатларимни,  
Балки бирон кимса эслар мени ҳам.

Эсламаса нима, мен бир тўпори,  
Қишлоқи сўзбозни, осмон йиқилмас.  
Уриб турган қалбнинг тирикдир зори,  
Тўхтаганидан сўнг юрак сиқилмас...

Мен сенинг боринга бўлдим парвона,  
Сахроларнинг кезиб толди товоним.  
Кишигим олдида турибди, мана,  
Товусдай товланиб охир довоним.

Эртагим чўзилди, менинг эртагим,  
Тонгини кўролмасдан дунёдан ўтсам,  
Хаёт, ёлғизим, сен хафа қилмагин,  
Менинг ширингина қизларимни ҳам!





## ЎФИЛ БЎЛСАНГ

*Отим ўғити*

Ўфил бўлсанг, ўжар бўл,  
Шамолдек ел, сувдек тош,  
Хеч кимсага букма бош,  
Чўрткесар бўл, кайсар бўл,  
Олов бизга қариндош,  
Ўфил бўлсанг, ўжар бўл!..

Ўфил бўлсанг, ўжар бўл:  
Тувилдингми, демак, ён,  
Шоҳ қўлида занглаган  
Қилич бўлма хеч қачон.  
Ундан кўра битта мард  
Қул қўлида ханжар бўл!..

Ўфил бўлсанг, ўжар бўл,  
Қолган бари сафсата.  
Эркинг учун, эл учун  
Номусингга навқар бўл.

Етар, бир бор юртингни  
Биз бой бердик гап сота...  
Агар айтсанг, қўлимдан  
Келмас бу иш, йўқ, ота,  
Ўзим сени ўлдирай  
Тувилганинг лаҳзада!..

## ХАЛҚОНА

Қиз деганининг кўкси тўла ўй бўлади,  
Йигит бир кун егилиб бўй бўлади.  
Бир тандир цон ўртада, бир коса сув,  
Ўнга ўзбек йиғилса тўй бўлади...

Рўбларга чиқади ширин тушлар,  
Келинчакнинг енгидан кувё ушлар...  
Бешикларини бўшатиб бир-бирига,  
Туғилади Тўмарис, Алиномишлар.

Суюлгандан оналар кўлида ёш,  
Оталар юзида норлар кувён.  
Набиралар тўлади ховлиларга,  
Бари бир хил – қорасочу қоракон.

Бола ганин ёқтирмас қайтганини,  
Бизда бола қилдирар айтганини.  
Майли, содиқ ўсса бас, юртига у  
Бошларига кўтариб Ватанини...

Дабдабасиз даврада цур бўлади,  
Кувё – тўра, келинчак – ҳур бўлади.  
Қайда ялла янграса, келаверинг,  
Ўзбегимнинг тўйлари зўр бўлади.



## ҚАЙДА БОР

Ёмғир ёғар шитирлаб,  
Нурми, ипак толалар.  
Баҳор келса кикирлаб,  
Кирга чиқар долалар.  
Долалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Кўкни булут ўрайди,  
Ерни ёмғир аллалар.  
Райҳон ҳидин тарайди,  
Донга илтиқ далалар.  
Далалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Саман йўрға ер чизиб,  
Тошда оғоч сирғалар.  
Оқар ойни окизиб,  
Жилдир-жилдир жилғалар.  
Жилғалар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Қалбага таскин изласанг,  
Турғун чолни сўрагин.  
«Тановар»ни тингласанг,  
Сел бўлади юрагинг.  
Наволар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..



Кўринганни дуолар,  
Қилар бизда момолар.  
Ғанимга ҳам омонлик,  
Тилар бизда момолар.  
Момолар ҳар жойда бор,  
Бизда бори қайда бор?..

Бизнинг бўстон қайда бор,  
Шоҳимардон қайда бор,  
Сўлим Сурхон қайда бор?  
Самарқанднон қайда бор-а,  
Ўзбекистон қайда бор?!.





## ШОИР

Ғариб деманг шоирни, ғариб,  
Етти кўкка учishi мумкин.  
Етти кават ерни аедариб,  
Сўзни — киздек кучishi мумкин!..

Бутун эмас шоирнинг ноши,  
Шоирларнинг юраги бутун.  
Қарзин узмай узилмас жони,  
Ҳаққини унутиши мумкин.

Дардин тилга кўчирмас шоир,  
Шоир дардин ютishi мумкин.  
Ҳеч кимни зор қуттирмас шоир,  
Шоир юз йил қутиши мумкин.

Шоир агар суйса бировни,  
Севилмаса -- суяр севгисин.  
Ёрга ўзи топиб куёвни,  
Тўйда ўйини туниши мумкин...

Ҳеч кимсага ўхшатмас шоир,  
Бир севганини юракдан лекин.  
Кўз ёшини кўрсатмас шоир --  
Шоир фақат... «ичиши» мумкин!



## ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Бу Момо Хаводан уларга одат:  
Ушласа, гул ушлар кўлини фақат,  
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин  
Ўйса, фақат шамол ўпар юзларин.

Бу Момо Хаводан уларга одат:  
Нозик белда қирқта кокили қават,  
Силаса, ёмғирлар силайди фақат,  
Кўрса, фақат осмон кўрар кўзларин  
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин.

Жилмайса, нур ёвар гул ёноқлардан,  
Сир яширар хатто қизгалдоқлардан,  
Офтоб ботгандан сўнг хиёват боёлардан,  
Беҳуда изламанг сира изларин  
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин.

Кўнгли дарёдай кенг, меҳри улдуввор,  
Дугонаси Хаё, синфдоши Ор.  
Айтнинг, фарингдадан нима фарқи бор,  
Куёвга чиқмаган ўзбек қизларин?..

Бардоши олдида тоғ - оддий тупроқ,  
Улар этагидан жаннат бир қадам.  
Беайб Парвардигор, дегандек бирок  
Йўқ эмас кичкина камчилиги ҳам



Севади,  
Куяди,  
Қилади алам,  
Дорга осинг, аммо айтмас бировга.  
Айтмай севишини севганига ҳам,  
Тегиб кетаверар бошқа куёвга!





## СИР

Шамолдек беқарор шоир севгиси,  
Унинг бор давлати - савлати.  
Согинчдан ёқар-у райхонлар иси,  
Мени танлаганинг галати...

На бир ширин калом минг заҳматингга,  
На бир саломингга алик олади.  
Муҳаббатинг нима Муҳаммадингга?..  
Қаламни кучоклаб ухлаб қолади.

Қасри шуҳрат аро қоп йиллар юрак,  
Кўксингга нимадир гижжак чалади.  
Унга шеър керақдир,  
Сенга эр керак.  
Қошки тунунса у валади...

У сўз кутар, уни сен кутиб ойлаб,  
Бир умр йўл караб кўзинг толади.  
Севгилим, фариншам... тентагим, ё раб,  
Бахтингни ярмини шеърим талади!..

Гуноҳинг не эди, эй мунглиг дилбар,  
Сени танлаганим галати...  
Асл шоир асли уйланмай ўтар,  
Уйланса ҳам, кўрмай хотин олади.





## ДУНЁ

Менга боқиб мийнгида қулган дунё,  
Меши тупроқ, ўзи осмон билган дунё.  
Сени момом чўмилтирган ювиб-гараб,  
Сени бобом тетаюя қилган дунё!..

Эй, ўтмишдан ўтган қунин сўрамаган,  
Ўзбек борса ким қўлига қарамаган?  
Ботирлари қул бўлишга ярамаган,  
Сулувлари бўйишга осилган дунё!

Мозий маним боримин ёд этиб сийлар,  
Дилин обод, рухларин шод этиб сийлар.  
Шоҳ Ғазолий, шоҳ Табризий, шоҳ Румийлар...  
Чоринини елкасига олган дунё.

Сен сийинган ўна жондин ортик сенга -  
Тоғмаҳал ҳам бир бобомдан тортик сенга.  
Кулма менга, илдолар қилма менга  
Тўққиз қунда Темур босиб олган дунё!

Юзларинини ёритган шу шарк зиёси,  
Дардларинини аритган шу шарк зиёси.  
Синонинг эгагин ўниб Оврупоеси,  
Америкоси Берунийдан қолган дунё.

Менинг кўшким кўкда - унга етмайди қўл,  
Менинг кўрким кўнгил, унга элтгай бир йўл.  
Тирикман мен, кел, истасанг муридим бўл,  
Сен исломдан имон дарсин ўрган, дунё!..

## УЧ ЎГИЛ ВА БИР ҚИЗ ҚИССАСИ

Мўмин чолнинг уч ўғил,  
Ёлғиз кизи бор эди.  
Тухфа эди тақдирдан,  
Кампирдан ёдгор эди.

Қиз эртага эгаси  
Олиб кетар кўчдай гап.  
Юрт кезарди чол бу кун  
Кенжага келин излаб.

Қариганда тўрт томон  
Зир чоғиш қийин экан.  
Ўғлинг қайсар бўлса, гоҳ  
Қиз тоғиш қийин экан.

Кампир тирик бўлганда  
Камаярди захмати.  
Тили ширин, гапга хўб  
Чечан эди раҳматли...

Тўй — бир кунлик. Пул нима,  
Азизмиди жонидан?  
Мўмин озроқ қарз олди  
Эски кадрдонидан.

Бека бўлди товусдай  
Кенжа ўғил каллиғи.



Келин эмас, Худонинг  
Берган олтин балиғи.

Бир кечанинг изоҳи —  
Ярми қувонч, ярми ғам.  
Эҳ, қанийди шу кунни  
Кўргавида камшир хам!..

Хаёт хар ўйинига  
Ўзи тошар таърифин:  
Оғзи онга етганда  
Буриш қопар гарибнинг.

Тўй ўтдию тўшаққа  
Ётиб қолди Мўмин чол,  
Жуда оғир хасратга  
Ботиб қолди Мўмин чол.

Ажал остона узра  
Турар экан сузилиб,  
Ёлғиз қизи қисматин  
Ўйларди у эзилиб...

Жон дегани омонат  
Одам Ато ўзелига —  
Мўмин ўлди. Тумонат  
Эл йирилди ховлига.

Марҳум қандай зот эди?..  
Удумда бор бу савол.  
Халол эди, дедилар,  
Халол эди Мўмин чол.

Эл чайкалиб, елкага  
Тобутни ортган они,  
Озроқкича қарзини  
Эслатди қадрдони.

Муслимга омонатдан  
Улуғ фарзи адо йўқ.  
Халойиқ лол. Бу не хол,  
Уч ўғилдан садо йўқ?!

Уч паҳлавон, уч нари-  
Пайкарга қул эдилар.  
Отамнинг бундай дўстин  
Танимаймиз, дедилар...

Қиз-ку, эрга эгаси  
Олиб кетар кўчдай гап.  
Аmmo бу кун даврага  
Отилди у кон йиғлаб.

Айтинг, деди, бас қилсин  
Акаларим арзини.  
Бўй етган кун тўлайман  
Мен отамнинг қарзини.



Раво тогса у кимни,  
Бош қўяман кўксига.  
Қарз ўрнига калиним  
Тегсин отам дўстига!..

Халойиқ лол. Бу не хол,  
Бу не савдо, ёронлар.  
Отасидан олдинроқ  
Ўлар бўлди ўвлонлар!..

Ривоятмас айтганим,  
Ҳикмат бўлмас ёлғонда.  
Бу воқеа рўй берди  
Шу кунда, шу замонда.

Қарздан кечиб кетса ҳам,  
Ота дўсти ҳайратда.  
Уч ўвилни қишлоқдан  
Хайдади халқ, албатта.

Қиз-чи, дерсиз, қиз ҳаёт,  
Яшар ота маконда.  
Чунки унга муносиб  
Йигит йўк бу жаҳонда!..

**АЖАБ...**

Чўпон бир кўзини қўйса йўқотиб,  
Лол бўлманг, ўзини қўйса йўқотиб.  
Хотинни уйғотиб, ўглини уйғотиб,  
Жошворин излаб килар тонготар...

Дехқон сигир сотиб қўйса йиғлайдди,  
Уялиб, хафталаб уйдач чикмайдди.  
Тўпори кўнглига қил ҳам сиемайдди,  
Гавҳар йўқотгандек кайғуга ботар.

Дунёнинг ишларин ўйлаб бош қотар:  
Мудом тушунганлар кўкка тош отар.  
Сотмайдди юртини бирор отбоқар,  
Сотса, зериккандан зиёли сотар!..





## ОҚ ТУЛПОР

Оқ тулпорим бор эди,  
Беклар ушга зор эди.  
Овайнилар, от менга  
Ҳам дўсту ҳам ёр эди.

Ёлин ўнсам, тиз чўкиб,  
Қафтимдан сув ичарди.  
Чух десам, ер чангитиб,  
Осмонларга учарди.

Ховлимизга бир оқшом  
Қариндошлар тўлишди.  
Тўй баҳона, отимдан  
Айирмоқчи бўлишди.

Отга, йиғитсан ўғлим,  
Уйланмасанг ор, деди.  
Қиз ярашар кучокқа  
Отга нима бор, деди.

От олдидан бошланди  
Чимилдикқа йўлакча.  
Кечир ёрим, на қилай,  
Отга меҳрим бўлакча.

Қолдим икки ўт аро  
Гўшангада дилдорим.



Келин келган кечадан  
Аразлади тулпорим.

Борми биздай ошниклар,  
Баҳоримда куз йиллар.  
Қизни қучсам, от йиллар,  
Отни қучсам, киз йиллар.

Бир бор ўнсам хотини,  
Уч бор ўйдим отини.  
Жонни кийнаб яшадим,  
Кимга айтай додимни.

Ёрдан кечдим отни деб,  
Элга бўлдим эрмаклар.  
Қайдан билсин от кадри  
От минмаган эрмаклар.







## КЎКЛАМОЙИМ

*Озод Шарафуддиновга*

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.  
Қор кўйнида сени кўмсаб ўқиндим,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўнлимга кўк бинафшалар сочилсин,  
Қокидига толоноқудан соч илсин.  
Бойчечакка борар йўллар очилсин,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Фасл боши, ҳам охири ўзингсан,  
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.  
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кел-да эди совинтирмай одамни,  
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,  
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Кўкинг билан кийинтирай даламни,  
Оёқядаг суянтирай боламни.  
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.

Гишам йўқдир кузда кетган оққушдап,  
Ийманмасин қайта эшик қоқиндан.  
Қумри билан бирга чикдик биз кишдан,  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Жон устида асраб юрай кўкни мен,  
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен.  
Яна сенга етамашми-йўқми мен,  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.

Дил яйрасин, дала-даштинг ясаниб,  
Ялғизларинг сув бўйига ястаниб.  
Икки мисра байт битай бир мастаниб,  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.





## СУРАТ

Менинг кимлигимни,  
Билмайди ҳеч ким.  
Мен бир ғалатиман,  
Мен алоҳида.  
Кўзимнинг ёшини  
Келади ичгим,  
Тилимни чайнагим,  
Келар гоҳида.

Ой менинг елкамга  
Ўтириб олган,  
Офтоб ғавғо солар  
Юрган йўлимга.  
Хаёл тушовида  
Чиколмай қолган  
Умримни тошпириб  
Қўйдим кўнглимга.

Энди тошни тепсам,  
Ўнар изимни,  
Ерга ағанасам —  
Ер ҳам девопа.  
Бармоғин ўнгандим  
Суйган қизимни,  
Қўли ёниб кетди  
Гуррилаб, мана.

Ёнди,  
Ёпаверди  
Кокиллари, сўнг,  
Чарсиллаб юраги  
Ёнди беармон.  
Ярми ёниб бўлган  
Кўйлаги бир енг  
Ишқининг байроғига  
Айланди алвон!..

Ва ўндим байроқни  
Мен ўша алвон,  
Олов тан,  
Олов жоң,  
Олов ҳис-хавас.  
Қизил чўғ тўшалган  
Чимилдик томон  
Отдим мен ўзимни  
Мисли ўтпараст.

Уйғонсам – кўриам кул,  
Йиллар севгимим.  
Мен сени йиғла деб  
Кучган эдимми?  
Айиқ босган гулдай  
Эзилди кўнглим,  
Ёввойи ўрдакка  
Бердим севгимни!..



Ўрдак учди-кетди,  
Мунғайиб қолдим.  
Ҳайратим обкетди  
Қанотида у.  
Ким меши алдаса,  
Худога солдим,  
Майли, алданмасин,  
Ҳаётида у.

Қолдим қулқўрнамда  
Тўшагим - туи роқ.  
Юмалаб ётаман  
Илонлар билан.  
Уларга ишондим  
Бир ёрдан кўпроқ,  
Илон чақар,  
Аммо  
Ҳаширмас ёлвон!..

Менинг кимлигимни  
Билмайди ҳеч ким.  
Мен бир ғалатиман,  
Мен алоҳида.  
Кийиклар қонини  
Келади ичгим,  
Чаёшни чайнагим  
Келар гоҳида.

**МУНДАРИЖА**

|                                |    |
|--------------------------------|----|
| Бағишлов.....                  | 5  |
| Хурсаной опа.....              | 7  |
| Кўнглимдаги ёр.....            | 9  |
| Дўшми.....                     | 10 |
| «Меҳрим қаттиқ бўлди».....     | 12 |
| Зебижон.....                   | 13 |
| Рух тўтиси.....                | 15 |
| «Байрамдир ҳар қушиш...».....  | 16 |
| Қоқилинг.....                  | 17 |
| Жайрон.....                    | 18 |
| Туркман киз.....               | 19 |
| Ўзбек.....                     | 20 |
| Ялғиз.....                     | 22 |
| «Сенда тил йўқ».....           | 23 |
| «Кечагина қишлоқдаги...».....  | 24 |
| «Хўрсинасан билдирмай».....    | 25 |
| «Ой юзидан нур ёвди...».....   | 26 |
| «Қадим Ўзбекмомо куйи...»..... | 27 |
| Онашзор.....                   | 28 |
| Илҳс.....                      | 29 |
| Турғунлик.....                 | 31 |
| Лаганбардорлар.....            | 32 |
| «Фирот минган Гўрўғли».....    | 33 |
| Ўзганлик ўзбеклар пидоси.....  | 34 |
| Дарё.....                      | 36 |
| Навий.....                     | 38 |



|                                  |    |
|----------------------------------|----|
| Халқ бўл, элим .....             | 40 |
| Самарқанд .....                  | 41 |
| Қиёмат .....                     | 42 |
| Оқибат .....                     | 43 |
| Бир қиз йиғлар .....             | 45 |
| Менинг севгим .....              | 47 |
| Содда Мухаммадман .....          | 49 |
| Қизгалдоқ .....                  | 50 |
| Видо .....                       | 51 |
| Соқов .....                      | 53 |
| Амир Темур .....                 | 55 |
| Ватаним .....                    | 57 |
| Файзулло бобо .....              | 60 |
| Юртим .....                      | 62 |
| Усмон Носир .....                | 63 |
| «Тушимга кирди Қодирий...» ..... | 64 |
| Бир қуни .....                   | 65 |
| Меҳр қолур .....                 | 66 |
| Онамдан ҳаг .....                | 67 |
| Пасиҳаг .....                    | 69 |
| Тушларимга кир .....             | 70 |
| «Қарамайди қайрилиб...» .....    | 72 |
| Маҳаллийчилик .....              | 73 |
| Илтижо .....                     | 75 |
| Иқроф .....                      | 76 |
| Қизил олма .....                 | 78 |
| Мухаббатим .....                 | 79 |
| Белбоғ .....                     | 80 |
| Тўн ҳақида шеър .....            | 81 |
| Ога .....                        | 83 |
| Ёқуб мерган .....                | 85 |
| Армон .....                      | 86 |
| Ўтинч .....                      | 88 |

|                                  |     |
|----------------------------------|-----|
| Максуб.....                      | 90  |
| Эрка кийик.....                  | 92  |
| Мадина.....                      | 93  |
| Ватаи.....                       | 95  |
| Долакизгалдоқ.....               | 97  |
| Талабалар мадҳияси.....          | 102 |
| Она тилим.....                   | 103 |
| Ўлаи.....                        | 105 |
| Тилак.....                       | 106 |
| Чимилдик.....                    | 107 |
| Қишлоқда.....                    | 108 |
| Бир кеча.....                    | 109 |
| «Тузаламайди дардим мешинг»..... | 110 |
| Эртақ.....                       | 111 |
| Ўвил бўлсанг.....                | 112 |
| Халқона.....                     | 113 |
| Қайда бор.....                   | 114 |
| Шоир.....                        | 116 |
| Ўзбек қизлари.....               | 117 |
| Сир.....                         | 119 |
| Дунё.....                        | 120 |
| Уч ўвил ва бир қиз қиссаси.....  | 121 |
| Ажаб.....                        | 125 |
| Оқ тулпор.....                   | 126 |
| Кўкламойим.....                  | 128 |
| Сураи.....                       | 130 |



*Адабий бадий наир*

МУҲАММАД ЮСУФ

**БЕВАФО КЎП ЭКАН...**

*Шеърлар*

Мухаррирлар: *Б. Акбаров, Н. Абдурахмонова*  
Рассом дилайнер *Ш. Қурбонов*  
Техник муҳаррир *Л. Хижова*  
Кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*  
Мусаххих *Ш. Ҳакимова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Ф. Тўғусева*


Наширёт лицензияси АТ № 158, 14.08.2009.  
2016 йил 8 апрелда босинга руҳсат эгилди.  
Офсет қоғози. Бичими 70×90<sup>1/16</sup>.  
«Virtex Publishing Uz» гарнитурасида офсет усулда босилди.  
Шарҳли босма табоғи 4,97. Наир табоғи 4,94.  
Цусхаси 10000. Буюртма № 16-288.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Павлов кўчаси, 30.  
*e mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz*  
*www.iptd-uzbekistan.uz*

Муҳаммад ЮСУФ

7000-00

# Бевафо кўп экан...



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-631-3



9 789943 286313